

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

Камолов Ўролжон Камол ўғли

АНВАР ШОМАҚСУДОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

5320100 - Журналистика

**Бакалавр
даражасини олиш учун ёзилган**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
ф.ф.н., Доцент А.Абдусатторов**

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1 БОБ. Олим Анвар Шомақсудов таржимаи ҳолига оид маълумотлар.....	7
2 БОБ. Анвар Шомақсудов хотиралари - адабий-маънавий муҳит қўзғуси.....	14
3 БОБ. Олимнинг Ўзбекистондаги журналистик мактабнинг шаклланиши ҳақидаги монографик асари.....	30
ХУЛОСА.....	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	48

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек журналистикаси тарихида ўчмас из қолдиришга улгурган, журналистика илмининг назарий ҳам амалий томонларини ривожлантиришга хизмат қилган олим, жамоат арбоби Анвар Шомақсудов шонли ҳаёт йўли ҳақида ёзиш, турмуш уринишлари ҳақида, урушнинг аччиқ тутуни ҳамон димоғида ўрнашиб қолган бир уруш одами сифатидаги, урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ўз ўрнини топишга, илмий ижод қилиб, журналистика фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида ёзиб, уни ҳозирги кун нуқтаи назаридан баҳоласа, бугунги кун ўқувчисига ўрнатқан сифатида тақдим этса арзийдиган алломадир. Истеъдодли олим Анвар Шомақсудовнинг ижодий бойлиги ҳануз таҳлил қилинмаган. Ҳақиқий журналистика илми соҳибларининггина маънавий жасоратлари эвазига ўз ҳаёт йўллари ҳақида ёзиб қолдирганлари келажак авлодга етиб келади. Мумтоз адабиётимизда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қила туриб, энциклопедик характердаги муҳташам обида бунёдга келтирганини биз бугунги кунда амин бўлмоқдамиз. Шу боисдан журналистика фанига ҳисса қўшган таниқли устозлар ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ёзиш, тадқиқ этиш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, Анвар Шомақсудовнинг илмий асарлари муаллифнинг ўзи нашрга тайёрлаган бир қатор тўпламларда ўз аксини топган. Ижодкор асарларининг мавзу кўлами, илмий қиммати етарлича тадқиқ қилинмаган. Анвар Шомақсудов ижодининг ана шу томонларини таҳлил қилиниши мазкур малакавий битирув ишимнинг долзарблигини таъминлайди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Сўнгги йилларда ўзбек журналистикаси соҳасида ижод қилган бир қатор олимлар ҳақида тадқиқотлар олиб борилган бўлса ҳам, Ўзбекистонда журналистика йўналиши пайдо бўлган даврдан бошлаб фаолият олиб борган ижодкорлар ҳаёти тўғрисида тадқиқотлар қилинмаган. Шу боис биз мазкур малакавий-битирув ишимизда Анвар Шомақсудов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ёзишга қарор қилдик. У кишининг журналистика соҳасида,

айниқса ҳаётий фалсафаси деса арзигулик бир қатор рисоалари устида чизгилар олиб бориш ишимизнинг илмий янгилигини таъминлайди.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотдан кўзланган мақсад Анвар Шомақсудов сиймоси ва илмий меросининг ўзбек журналистика тарихида тутган ўрнини аниқлашдир. Мазкур мақсад талабидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- XX аср иккинчи ярмидаги Миллий университет илмий муҳити ва унда Анвар Шомақсудовнинг тутган ўрнини кўрсатиш;
- олим рисоаларининг илмий қимматини белгилаш;
- Анвар Шомақсудов ёзган ижод намуналарининг мавзу кўламини ёритиш;
- Шоирнинг автобиографик асарларини таҳлил қилиш;
- Шоирнинг автобиографик асарларида адабиётшунослик, адабий танқидчиликни тўлдирувчи ўринларни очиқ бериш;
- Олим қолдирган мероснинг илмий қимматини аниқлаш;
- Анвар Шомақсудов рисоалари ва илмий меросининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини аниқлаш;

Тадқиқотнинг манбалари сифатида Анвар Шомақсудов ижодига мансуб бўлган "Дилдан тилга кўчган қиссалар", "Оловли йиллар хотираси", "Югурик умрда кўрган-кечирганларим", "Аср билан тенглашаётган умр", "Умр шукронаси", "Журналист мутахассислар тайёрлаш маскани" сингари олим рисоаларидан фойдаландик.

Малакавий битирув ишининг тузилиши. Кириш, асосий қисмни ташкил этувчи учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни. Малакавий битирув иши мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, манбалари, услубий ва методологик асослари, назарий ва амалий аҳамияти, илмий ишнинг тузилиши ҳамда илова ҳақида маълумот берилган.

I БОБ. ОЛИМ АНВАР ШОМАҚСУДОВ ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Анвар Шомақсудов таржимаи ҳолига оид маълумотлар

Биз шартли равишда Анвар Шомақсудовнинг "ҳаёт фалсафаси" деб номлаган туркум рисоаларининг илк босқичи **"Дилдан тилга кўчган қиссалар"** деб номланган. Унда ижодкор олимнинг болалиги ўтган "Сағбон" маҳалласи ҳақида ёзади. Аввало, "Сағбон" номининг этимологияси билан таништириб ўтади. Халқ орасида оммалашганидек, Сағбон - Сағбон (Итбоқар) сўзидан олинмаганлигини (шарқшунос Н.Г. Маллицкийнинг "Тошкент маҳалла ва мавзелари" китобида "Сағбон" "Сакбон"- "Итбоқар" маъносини билдиради деб изоҳлаган), балки у археолог олим Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг "Қадимги Тошкент" асарида таъкидланганидек, "Сукбон", яъни "Сук - арабча "бозор", бон - форсча "қоровул" сўзидан олинганлигини, ўша даврларда даштдан ҳайдаб келинган отар-отар қўйлар, қорамол ва йилқиларни қўриқлаб, бозорда фаррошлик ҳамда жаллоблик қилган кишилар шу маҳаллада яшаганлигини исбот тариқасида келтиради.

Кейин мазкур маҳалладан таниқли алломалар, географ олим Нўъмонбек, адабиётшунос Субутой, шифокорлар Зиёдбек, Султонбек, геолог олим академик Тўрабек Долимовларни мана шу қутлуғ маҳалла ўсиб-улғайтирганлигини кайд этади.

Аллома ижодкор Анвар Шомақсудов ўз акаси бўлган Мунаввар Шомақсудовнинг Сағбон ҳақидаги юксак пардаларда куйланган шеъридан сатрлар келтиради:

Азим Тошкент шаҳрининг бйр чеккаси,
Дунё бўйлаб афзалликнинг яккаси, Гўё
онам кулиб боққан чехраси, Ота юртим,
маҳалламсан Сағбоним...

Сайр этдим дунёни, толеъ бўлиб ёр, Лек,
топмадим ҳеч ерда шундай диёр.

Токи бўлгай эди сендай жозибатор, Макка -
қибламу, Мадинамсан Сағбоним.

Журналист олим Анвар Шомақсудов оталари Шотурсун қори хақида илик хотираларини биз билан баҳам кўрадилар. Шотурсун қори домланинг оталари Шомақсуд отадан эрта етим қолиб болаликда машаққатли даврларни бошдан кечирган эканлар.

"Отамиз Тошкентда қолган оналари, сингил ва укаларига ёрдам мақсадида ёшликдан меҳнатга ўрганадилар. Тоғаларининг иккиласи ҳам катта қўйчибон бойлар бўлиб, ҳисоб-китоб ва ёзув-чизувни биладиган одамга муҳтож эдилар. Шу боис 1904 йилдан 1914 йилгача тоғалари хизматида бўлиб, уларнинг Отбошидаги (Қирғизистон) дўконида котиб-мирзо бўлиб ишлайдилар. Хитой чегараси яқинидаги Отбоши қадимги Буюк Ипак йўли устида жойлашган муҳим савдо нуқталаридан бири эди"¹, - деб хотирлайди отасининг болалиги кечган давр ҳақида.

Анвар Шомақсудовнинг оталари озар шоирларига ўхшатма тарзида битган шеърларини кузатган киши "Қоридода" истеъдодли шоир, ҳаваскорликдан юксалган сўз устаси бўлганлигини, ўз назмларида реалликка урғу беришини англайди ва бунга очарчилик даврларида юз берган воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин:

1931 - 1933 йиллар юртимизда очарчилик бўлди. Бу вақтда Қоридода Тошкент эски шаҳар бозор қўмитасида бир муддат кассир бўлиб ишлайдилар. Очарчилик кундан-кунга авжга чиқа бошлади. Кўча ва бозорларда эски-туски увадаларга ўралган, оёқ-қўллари очликдан шишиб кетган эркак ва аёллар, ёш болалар қишнинг қировли кунларида қатор тизилишиб тиланчилик қилиб ўтиришарди. "Эмизикли аёл йўрғақдаги боласини фалончининг эшиги тагига ташлаб кетибди" деган гаплар ҳам қулоққа чалина бошлади. Очликдан ўлганларнинг жасадини ҳар қадамда кўриш одатий бир тусга айланди.

¹ Шомақсудов А. Дилдан тилга кўчган қиссалар. –Т.: Зарқалам. 2004. – Б.10

Қоридода бундай фожеали ҳаётни ўз кўзлари билан кўрар эканлар, Озарбайжон шоири Собир Тоҳирзоданинг "Ёд эт" шеърига ўхшатма қилиб қуйидаги дардли сатрларни оқ қоғозга туширадилар:

Йўл узра ётон оҳ уриб фиғона,
Инграб тиланиб, ёлвориб ирна.
Ёшу қари ажзу мазлумона,
"Нон-нон" дебон тифли маъсумона.
Жон бермак учун тўлғониб чиғона,
Раҳм айла дебон мушфиқона.
Тақдири азалда ёзмиш одилона:
"Зор ўласан дону бурда нона".
Тўғрими бу сўз? Ва фасона.
Хўп ўйла бу сўзни қона-қона,
Ёд эт мани, одилона, ёд эт².

Анвар Шомақсудов ўз оталарини эҳтиром кўргизиб, "Қоридода" деб атайдилар. У киши ҳақидаги қуйидагиларни ёзадилар:

"Қоридода табиатан серғайрат, шижоатли, баъзан таваккалчи, "қиламан" деган ишини қилмай кўймайдиган уста тадбиркор киши эдилар. Биринчи кундан бошлаб магазиннинг жойини ўзгартириш, унга янги бино қуриш тараддудига тушдилар. Чунки қабул қилиб олинган магазин жуда ноқулай ерда, колхоз отхонасининг бир бурчагидаги омборхонага жойлашган бўлиб, олувчи ва сотувчи учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. харидорлар келмас эди. Аҳоли, асосан, Бўзсув темир йўл станциясига олиб ўтадиган катта кўприк атрофида яшарди.

Қоридода икки қирғоқ аҳолисининг уриниш - тўхташ жойи бўлмиш мана шу катта кўприк ёнида янги магазин қуришни лозим топдилар ва режаларини колхоз раҳбарларига айтдилар. Улар ҳам бу режани маъқуллаб, бир йилдан сўнг магазин учун янги бино, омборхона (склад) ва ёнида чойхона ҳам қуриб бердилар.

² Шомақсудов А. Дилдан тилга кўчган киссалар. –Т.: Зарқалам. 2004. – Б.14-15.

Аста-секин харид қилувчи мижозлар ҳам кўпайди, савдо-сотиқ ишлари юришиб кетди. Кейинчалик колхоз идораси ҳам шу ерга кўчиб келди. Бўзсув бўйига қурилган чойхона ҳам ўз хўррандаларини топди. Айниқса, якшанба -бозор кунлари чойхоначи Собир тоғамизнинг қўли-қўлига тегмас эди. Қарабсизки, 1-2 йил ичида ташландиқ бир жой гавжум бир гузарга айланди. Баъзилар ҳазиллашиб бу ернинг номи энди "Қориобод" деб қўйишарди"³.

"1913 йил хонадонимиз учун энг қутлуг кун ҳисобланади. Шу йили оилада тўнғич фарзанд - опамиз туғилган эканлар. Отамизнинг оналари Ойниса буви ўғилларига:

- Қори, фарзанд муборак бўлсин, қиз давлатнинг боши, энди исм қўйинг, деганларида отамиз:

- Ойи, сизга набира муборак бўлсин, исми ўзи билан - Муборак бўлақолсин, деган эканлар.

Қоридода кейинчалик газалларидан бирида ўғил исмини қизга қўйдим, деб фахрланган жойлари ҳам бор. Яхши ният '— ёрти мол, деганларидек, оилада кетмакет Мунаввар (1915 й.) Санобар (1920), Анвар (1925, муаллиф, яъни Анвар Шомақсудовнинг ўзлари), Маъруфа (1928), Аброр (1930), Хуршид (1933) исмли ўғил-қиз фарзандлар туғилиб, вояга етдик"⁴ - деб ҳикоя қилади ижодкор олим.

Анвар Шомақсудов ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги, умуман оиладаги ўзаро баҳамжиҳатлик, аҳил-иноқлик мазкур хонадонда ўзгача файз олиб келганлигини сўзлайдилар. Ака-укалар, айниқса акалари Мунаввар аканинг фан-техника янгиликларига ўч бўлган ҳақиқий зиёли тимсолида тасаввур қилганлигини ҳикоя қилиб шундай ёздай:

"Мунаввар акамни ўзбек зиёлисининг айни ёрқин тиимсоли дегим келади. Келинойимизнинг акамиздек олийжаноб инсон билан турмуш қуришганига ҳам мана 57 йил бўлибдики, ҳамон улар бир-бирига меҳрибон..."⁵.

³ Шомақсудов А. Дилдан тилга кўчган киссалар. –Т.: Зарқалам. 2004. – Б.16-17.

⁴ Шомақсудов А. Дилдан тилга кўчган киссалар. –Т.: Зарқалам. 2004. – Б.39

⁵ Шомақсудов А. Дилдан тилга кўчган киссалар. –Т.: Зарқалам. 2004. – Б.54

"Қоридоданинг укалари Шоакрам амакини "нинни ада" дердик. "Нинни ада" баҳордан то кеч кузгача боғ юмушлари билан машғул бўлардилар. Мусаллас тайёрлашга уста эдилар.

"Нинни ада" меҳнаткаш, "оғиркарвон", бориға қаноат қилувчи киши эдилар. Ҳаётда Ҳожинисо келинойимиз билан бирға яшаб Адҳам исмли ўғил, Насиба исмли қиз фарзанд кўрдилар. Ҳозирда Адҳам аваралик, Насиба набиралик бўлди, - деб эслайди Анвар Шомақсудов⁶.

Хуллас, "Дилдан тилға кўчган қиссалар" китоби катта ҳаётға қадам қўяётган ёш Анвар Шомақсудовнинг ҳаётий кузатишлари асосида ёрқин хотиралардан ташкил топгандир.

Шартли равишда иккинчи китоб бўлган **"Оловли йиллар хотираси"** китоби Анвар Шомақсудовнинг немис фашизми билан олиб борилган оғир уруш йилларида кечган хотиралари жой олган.

Уруш бошланмасдан Анвар Шомақсудовнинг оиласида оғир жудоликлар бошланган эди ўшанда. Аввалиға оила бошлиғи қоридода ишлаган магазинда камомад аниқланди. 1940 йил 7 июнида суд уни 5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилади. Яна бир йил ўтиб, урушдан бир ҳафтача олдин, 1941 йил 13 июнда опалари Санобар оғир дардға чалиниб, 20 ёшида вафот этади.

Уруш бошланган кунни ҳар ким ҳар хил вазиятда қарши олган бўлса ажаб эмас. Ушбу рисолада Анвар Шомақсудов бу кунни шундай хотирлайди:

"Санобар опамларнинг вафот қилганларига ҳафта тўлиб, иккинчи ҳафта ҳам бошланган эди: 1941 йил, 22 июнь, якшанба...

Ҳа, бу кунни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмайди, эсдан чиқармайди.

ТТу куни мен Муборак опамларнинг сигирини Хотинкўприкдан "Саноат" колхози ихтиёриға ўтиб кетган дала боғимизда ўтлатиб юрган эдим. Молбоқар болалар ҳаммамиз пешин пайти азйим тут соясида ариққа нон ташлаб оқизоқ қилиб еб ўтирсак, биздан ёши каттароқ боғ қўшнимиз комил Файзиев (уни Дўстака деб ҳам чақирардик) қўлида газета билан ҳовлиқиб

⁶ Шомақсудов А. Дилдан тилға кўчган қиссалар. –Т.: Зарқалам. 2004. – Б.13-14

келиб қолди. Кайфияти бузук кўринди. "Мана, ўқинглар" деб "Қизил Ўзбекистон" газетасини олдимизга ташлади.

Газетада 1941 йил 22 июнь куни тонг отарда фашистлар Германияси Ватанимизга қўққисдан ҳужум қилгани ҳақидаги машъум хабар босилганди. Ҳамма болалар сигир бузоқларини ҳайдаб уй-уйига жўнаб қолди. Мен ҳам ўриб қўйган ўтни қоплаб сигирнинг белига кўндаланг қўйиб шаҳарга тушиб келдим"⁷.

Анвар Шомақсудов амакисининг ўғли Адҳам, мактабдош ўртоғи Абдураззоқ баробарида армия сафига чакирилдилар. Бир муддат ҳарбий тайёргарликдан сўнг уруш кетаётган жойларга юборилади. 409-ўқчи дивизияда фронт бўйлаб уруш кечди.

Шомақсудовнинг урушдаги оғир вақтларини шундай хотирлайди:

"Шу пайтда, 1945 йил 9 апрел тушлик вақти эди, қўққисдан келиб тушган душман снаряди миномёт расчётимизни ишдан чиқарди, мина ўқловчимиз ҳалок бўлди, менинг ўнг қўлим панжаси бармоқларини йирик мина парчаси юлиб кетди. Оҳ-войимни эшитиб расчётда омон қолган дўстим ёрдам бера бошлади. Гимнастёркамнинг ўнг енгини тирсаккача йиртиб, ярадор қўлимни боғлай бошлади, бинт етмади. Шимимнинг орқа чўнтагидаги шахсий медицина пакетимни оламан деса, чўнтак титилиб-йиртилиб кетибди, қон оқяпти. Ўнг оёғимнинг сонини ва орқамдаги гўштдор жойни осколка каттагина ўйиб юборибди. Ёрдам кўрсатаётган Николай ўз шахсий бинтини тезда олиб яраларимни боғлади-да. Зудлик билан мени санчастьга жўнатди"⁸. Шу пайтдан бошлаб Анвар Шомақсудов ўнг қўлидан айрилади.

Анвар Шомақсудов ғалаба онларидаги қувончларини қайси тил билан айтишни билмас, севинчини ичига сиғдирилмас Эди:"1945 йилнинг апрел кунлари... Венгриянинг Нюрдхаза шаҳридаги совет қўшинлари ҳарбий госпиталида ётибман. Палатада ҳар хил тоифадаги ярадорлар, улар турли миллат вакилларига мансуб. Ҳаммамизнинг қалбимиз зафар айёмлари хабарини тезроқ эшитиш иштиёқида хушнуд тепарди.

⁷ Шомақсудов А. Оловли йиллар хотираси. –Т.: Зарқалам. 2005. –Б.5-6.

⁸ Шомақсудов А. Оловли йиллар хотираси. –Т.: Зарқалам. 2005. –Б.31.

Мана, ярадор бўлганимга ҳам бугун 9-Май куни роппа-роса бир ой бўлибди, деб хаёлимдан ўтказдим. Бирдан бутун госпитал бўйича "Урра... Ғалаба" деган хушхабар жаранглади. Енгил ярадорлар палатама-палата югуришарди, оғирлари ётган жойларида калпоқларини тепага отишарди, жуда оғир ярадорларни ҳамширалар оҳиста уйғотиб юз-қўлларидан ўпишарди. Мен ҳам шу куни хурсанд бўлганимдан биров кўзёш қилдим, зўр бир хўрсиниқ билан тўйиб-тўйиб йиғладим. Бу албатта шодлик, хурсандчилик йиғиси эди, бошимдан кечирган оғир кунларим, дил-ғуборим кўтарилгандай бўлди"⁹.

Анвар Шомаксудов урушдан омон қайтганини Яратганга шукроналар билан шундай ёзган эди ва ижодидан парчалар келтиради:

"Ассалом дея уйим остонасида тиз чўкиб, шафоат тилаб, дуойи шукронага қўл очдим: Аллоҳим, ҳар қандай мушкулотни осон қилгувчи Қодир Эгамсан, шукронамни қабул айла, бу умидли дунёда мен ногирон умидвор бандангни умрим бўйи ўзинг қўлла, Омин, деб эшикни очганимни биламан. Не кўз билан кўрайки, эшик ортида тасодифми ё қандайдир бир илоҳий хабар топгандай оппоқ соқолли Қоридода турардилар... Қучоқ очдик...

Соғинчларга тўлиб-тошиб очмиш Отам дарвоза, Юртим аро тарқалмишдир хушхабару овоза. Суюнчи деб чопар бўлди укам Хуршид, Чехраой, Ётказдилар хушқадамни барча ёру аҳбоба.

Қайтар бўлдим урушдан қўлсиз, кулоқ "оҳи" билан, Соғинч-ла кучар Онам, юрак зарби "воҳи" билан, Меҳр-ла босиб бағрига: Соғмисан, дер, ўғлим Анвар? Насиб этди кўришмаклик Эгам паноҳи билан"¹⁰.

Мана, ярадор бўлганимга ҳам бугун 9-Май куни роппа-роса бир ой бўлибди, деб хаёлимдан ўтказдим. Бирдан бутун госпитал бўйича "Урра... Ғалаба" деган хушхабар жаранглади. Енгил ярадорлар палатама-палата югуришарди, оғирлари

⁹ Шомаксудов А. Оловли йиллар хотираси. –Т.: Зарқалам. 2005. –Б.32.

¹⁰ Шомаксудов А. Оловли йиллар хотираси. –Т.: Зарқалам. 2005. –Б.33.

ётган жойларида калпоқларини тепага отишарди, жуда огир ярадорларни хамширалар оҳиста уйготиб юз-қўлларида ўпишарди. Мен ҳам шу куни хурсанд бўлганимдан бироз кўзёш қилдим, зўр бир хўрсиник билан тўйиб-тўйиб йигладим.

Бу албатта шодлик, хурсандчилик йиғиси эди, бошимдан кечирган огир кунларим, дил-ғуборим кўтарилгандай бўлди"¹¹.

Анвар Шомақсудов урушдан омон қайтганини Яратганга шукроналар билан шундай ёзган эди ва ижодидан парчалар келтиради:

"Ассалом дея уйим остонасида тиз чўкиб, шафоат тилаб, дуойи шукронага қўл очдим: Аллоҳим, ҳар қандай мушкулотни осон қилгувчи Қодир Эгамсан, шукронамни қабул айла, бу умидли дунёда мен ногирон умидвор бандангни умрим бўйи ўзинг қўлла, Омин, деб эшикни очганимни биламан. Не кўз билан кўрайки, эшик ортида тасодифми ё қандайдир бир илоҳий хабар топгандай оппоқ соқолли Қоридода турардилар... Қучоқ очдик...

Соғинчларга тўлиб-тошиб очмиш Отам дарвоза,
Юртим аро тарқалмишдир хушхабару овоза.
Суюнчи деб чопар бўлди укам Хуршид, Чехраой,
Етказдилар хушқадамни барча ёру аҳбоба.

Қайтар бўлдим урушдан қўлсиз, қулоқ "оҳи" билан,
Соғинч-ла кучар Онам, юрак зарби "воҳи" билан,
Меҳр-ла босиб бағрига: Соғмисан, дер, ўғлим Анвар?
Насиб этди кўришмаклик Эгам паноҳи билан"¹².

Анвар Шомақсудов "Оловли йиллар хотираси"нинг Қуролдошларнинг жасорат йўли" деб номланган бобида тинч қурилиш йилларидаги умри мазмуни билан ўқувчини таништиради. Аввало ўнг қўлини йўқотган инсоннинг чап қўл билан кундалик меҳнат жараёнидаги мушкулотларни енгиб ўтиши лозим эди. Шу

¹¹ Шомақсудов А. Оловли йиллар хотираси. - Т.: Заркалам. 2005. - Б. 32.

¹² Шомақсудов А. Оловли йиллар хотираси. - Т.: Заркалам. 2005. - Б. 33.

боисдан чап кўл билан ёзишни ўрганади. Университетда ҳам ўз фаоллигини кўрсатади.

Айниқса, шарқшунос олим, кейинчалик Умар Хайём рубойларининг таржимони сифатида машҳур бўлган Шоислом Шомуҳамедов билан курсдош бўлиб ўқий бошлайдилар (Анвар Шомаксудов Филология факультетида, Шоислом Шомуҳамедов мазкур факультетнинг Шарқ бўлимида ўқийдилар). Улар куролдош биродарлар сифатида бир-бирини тўлдириб турардилар. Анвар Шомаксудовнинг ёзишичи, ўша даврда университетда 100 га яқин уруш ветеранлари фаолият олиб борган. Шулардан Абдулла Аюпов, Қодир Эрназаров, Тўғон Эрназаров, Эргаш Султонов, Расул Муҳамедов, Бердиали Имомов, Ҳамидулла Ҳасанов, А.Ф.Алякринский, Ширинбек Ўразимбетов, Алишер Тешабоевлар билан тадбирларда ва учрашувларда яқиндан танишган.

"Хотиралар"нинг сўнгги бобларидан бири "Муқаддас рақам зикрида баъзи мулоҳазалар" деб номланган. Унда 9 рақами билан боғлиқ кўпгина воқеа ходисаларни ўртоқлашади. Шулардан Анвар Шомаксудовнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеаларни қуйидагича санаб ўтади:

"Иккинчи жаҳон уруши йиллари 409-ўқчи дивизия таркибида ҳарбий бурчимни бажариб, жангларда қатнашдим.

9 апрел куни (1945 йил) Австрия пойтахти Вена шаҳри остонасида ярадор бўлдим.

Армияга қирқ учинчи йил январ ойида чақирилиб, 9 ойдан сўнг, яъни сентябр ойида Днепр кечувида биринчи бор жангга кирдим.

9 май - фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни. Бу кунни омон қолган жангчилар ўзларининг қайта туғилган кунлари деб атайдилар.

Роппа-роса икки йилу 9 ойдан сўнг (январ 1943 - сентябр 1945) солдатлик сафарим тугаб, қирқ бешинчи йил 9 сентябрда уйимга қайтиб келдим.

9 январ (1957 й.) Тожинисо онамизнинг қабрга қўйилган кунлари. 1959 йили тўнғич фарзандим Маҳфуза туғилди.

9 март (1979 йил) 90 ёшни яшаган отамиз Қори доданинг вафот этган кунлари.

Университетда ўқиган ва ишлаган йилларим 9 та ректорни кўриш ва бирга хизмат қилишга муяссар бўлдим. Улар: Султон Умаров, Обид Содиқов, Теша Зоҳидов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Шавкат Алимов, Эркин Юсупов, Тўхтамурод Жўраев, Тўрабек Долимов сингари ажойиб инсон ва фанимиз алломалари эдилар.

Журналистика факультетида хизмат қилган йилларим ҳам 9 та декан билан ишлаш насиб этди: Тўғон Эрназаров, Тоҳир Пидаев, Бекир Мамутов, Фелекс Нестеренко, Сайди Умиров, Ҳамидулла Акбаров, Омонулла Мадаев, Файзулла Мўминов, Қудрат Эрназаров.

Ва ниҳоят, университетда 49 йил (1947-1996) давомида хизмат қилиб нафақага чиқдим".

Азиз ўқувчим, айбга буюрманг, 9 рақамига оид кўнглимга тугиб юрган, айтиб-айтолмаган гапларим шулар эди. келажак орзу-ниятларим ҳам мўътабар 9 рақами билан боғлиқдай туюлади. Ҳозир ёшим 80 га етди (муаллиф мазкур китобни бундан 8 йил олдин ёзганлигини унутмаслик керак). Донолар саксон сакратар тўксонга, деганларидек, ота ва ака ёшига эсон-омон етиб олиб, чолкамбир қўша қариб, невараларнинг тўйларини кўриш насиб этсин деган умиддамиз¹³, - дея Анвар Шомақсудов ушбу хотиралар китобига хулоса ясайдилар. У кишининг 90 га тўкнашиб, 100 га юзлашиб юришларини Яратгандан сўраб қоламиз.

¹³ Шомақсудов А. Оловли йиллар хотираси. –Т.: Зарқалам. 2005. –Б.92-93..

II БОБ.

АНВАР ШОМАҚСУДОВ ХОТИРАЛАРИ - АДАБИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ КЎЗГУСИ

"Югурик умрда кўрган-билганларим" рисоласида муаллиф ўзига ҳада қилинган умрда кўрган-билганлаари ҳақида ҳикоя қилган. Китобни ўқир экансиз, устоз, тенгдош ва шогирд журналистлар ҳақидаги хотираларида қаламқаш муҳбир касбининг масъулияти, ҳалоллик ва ҳаққонийлик туйғулари устун қўйилганининг гувоҳи бўласиз. Олий ўқув юртида бирга ўқиган дўстлари билан бўлиб ўтган "олтин давр" эсдаликлари эса ҳаётини ҳикояларга бойдир. Муаллиф яна кейинги бобларда туркум митти лавҳалар орқали ўқувчини ажойиб кўнгил сайрига, ахлоқий-тарбиявий ўйларга чорлайди. Буларнинг барчаси рисоланинг асл моҳиятини янада оширган.

Рисолани Анвар Шомақсудов шундай бошлайдилар:

Қоридода ҳали етук болалик чоғларида шундоқ девор-дармиён бўлган амакилари хонадонида 1900 йили ўғил фарзанд дунёга келади. Гўдакка Аҳмадшо деб ном қўйдилар. Кунлар ўтди, йиллар ўтди, ўсиб улғайиб, эски мактабда таҳсил кўрган Аҳмадшо ака саводли зиёли бўлдилар. Ўзбеклардан биринчи бўлиб стенография ёзуви касбини эгалладилар. Бу касб кейинчалик у кишига умрбод ҳаётини касб бўлиб қолди"¹⁴.

Анвар Шомақсудовнинг хотира рисоалари адабий-маънавий ҳаётни акс эттирувчи кўзгу десак ҳам муболаға бўлмайди. Унда Ғ.Ғуломнинг "Шумбола" қиссасининг такомилга етиши Қандай кечганлигини ҳикоя қилинган шундай қайдларга дуч келамиз:

"Аҳмадшо ака газетада ишлаган йиллари ёшлик ўртоқлари Ғафур Ғулом билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдилар. Уларнинг дўстлиги шунчаки дўстлик эмасди. Ижодда бир-бирини яхши тушунадиган қаламқаш, ҳамкасб ҳам эдилар. Шу ўринда Эркин Воҳидов айтиб берган воқеани эслайман. У шундай деган эди:

¹⁴ Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.3.

- Мен "Ёш гвардия" нашриётида янги иш бошлаган пайтим. Нашриёт планида Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" асарини қайта нашр қилиш мўлжалланган эди. директорнинг топшириғи билан мен Ғафур Ғуломнинг уйига бордим. Вазифа - қайта нашр хусусида авторнинг фикрини билиш, бу асар давомини ёзиш нияти борми - шуни аниқлаб келиш эди...

Ғафур Ғулом шартномани қайтариб шундай деди:

- Буни чўнтагингга солиб қўй. Каттанга бориб айт, мен "Шум бола"ни қайта ёзаман. Шоаҳмад Шораҳмедов билан ҳам шартнома тузсин. У менга ёрдам беради.

Шу иш баҳона бўлиб Ғафур Ғуломнинг уйига тез-тез борадиган бўлдим. Устоз "Шум бола"нинг янги вариантини Шоаҳмад Шораҳмедовга айтиб турар, у киши стенограмма билан ёзиб олар эди. Менинг вазифам тайёр қисмларни олиб кетиб оққа кўчириш, нашрга тайёрлаш эди. Бир куни келганимда... шоир ўзининг ёшлик ўртоғи Шоаҳмад ака билан турли хангомаларни айтишиб, ўтган воқеаларни эслаб ўтириб, бу ўлмас асарнинг бобларини ёд ёздирар эди. "Шум бола"нинг дунёга келиши асосан шу усулда бўлган".

Ғафур Ғулом билан жуда узоқ вақт бирга, ёнма-ён бўлган ёзувчи Саид Аҳмад ҳам қиссанинг яратилишини хотирлаб шундай ҳикоя қилади:

"Шум бола" қиссасининг дунёга келишида Ғафур Ғуломнинг болалик ўртоғи, журналист, уста стенограф Шоаҳмад Шораҳмедовнинг хизматлари катта бўлган. У биринчи бўлиб шу қиссани ёзишга ундаган, адибнинг оғзидан чиққан жумлаларни сўзма-сўз ёзиб борган. Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йили Ғафур ака "Шум бола"ни қайта қўлга олди. Дўсти Шоаҳмад Шораҳмедов Ғафур акани ишга солди. Қисса бошдан-оёқ таҳрир қилинди, янги боблар киритилди. Ҳожи бобо образига жуда кўп деталлар қўшилди"

Айтиш керак, Шоаҳмад акамларнинг Сағбондаги уйига Ғафур Ғулом кўп марта ташриф буюрган эди. Бу табаррук хонадоннинг бирор тўйи, каттарок зиёфати Ғафур Ғуломсиз ўтмас эди. шундай пайтларда Ғафур аканинг доим дўпписи чаккасида, хушчақчақ кулгу табассум билан кириб келишлари ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди"¹⁵..

¹⁵ Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.7-8.

Биз бежизга бу фаслни адабий-маънавий муҳит дея атамадик. Анвар Шомаксудов пойтахтдаги, хусусан университетдаги қайноқ адабий муҳит ҳақида жуда кўп факт ва маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Хотиралар рисоласидаги.

"Умри азиз, исми Лазиз дўстим ҳақида" бобида пойтахт адабий муҳити ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтади:

"Биз талабалар университетда беш йил таҳсил кўрган бўлсак, ўзбек зиёлисининг етук олимларидан сабоқ олдик. Абдурахмон Саъдий, Ҳамид Сулаймонов, Ҳомил Ёқубов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Зикриё Мирҳожиев, Аюб Ғуломов, Теша Салимовларнинг мароқли маърузаларини тингладик. Улар бизга илм йўлида адолатли ва ҳақиқатгўй бўлиш туйғусини сингдирдилар, маънавий ҳаёт тарзини теран ва журъат билан таҳлил қилиш йўллариини ўргатдилар.

Университет биз полапон-талабаларни чиниқтирди, қанот қоқиб фаннинг баланд чўққилари сари парвоз қилишга ҳозирлади. Кўпгина курсдошларим республикада таниқли кишилар бўлиб етишдилар. Булар шоира Саида Зуннунова, шоир Жуманиёз Жабборов, етук фельетончи Восиқ Маҳкамов, ўнлаб фан номзодлари ва биринчи фан доктори профессор Лазиз Қаюмовдир.

Ҳа, Лазиз Қаюмов билан дўстлигимиз ўша талабалик йилларидан бошланган эди.

У вақтларда ўқитиладиган фанлар бўйича ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар бошланган эди. табиий, талаба тинглаётган маърузасининг бирон сўзини қолдирмай ёзиб олишга ҳаракат қиларди. Шундай пайтларда мен чап қўл билан ёзишга эндиgina ўрганаётганим сабабли, кўпинча улгурмай чарчаб қолардим. Ёнимда ўтирган Лазизхон буни сезарди-да, кўлимдан дафтаримни олиб, маърузанинг давомини ёзиб кетаверарди. Ўша давр маъруза дафтарларимда Лазизхоннинг дастхатлари кўп учрайди. Бир куни шундай воқеа бўлди: қадимги дунё тарихини Эрматов деган домла ўқир эди. Орқа қатор партада Жуманиёз билан

бирга ўтирган Лазихон мени туртди-да, маъруза дафтаримни сўраб олди. Дарсдан сўнг дафтаримни очсам, маърузадан ҳеч вақо йўқ, аксинча Жуманиёз билан икковларининг баҳри байт - шеърӣ ёзишмаларига кўзим тушди. Мана, ҳозиргина менда сақланиб қолган ўша илк машқӣ мисралар:

Жуманиёз: Тонг билан уйғониб боғимга чиқмоқ,
Ҳар баҳор чоғида севган одатим.

Лазизхон: Булбул бўлиб гулинг очган боғ,
Умримда энг бахтли соатим. Жуманиёз:

Ҳар дарахт, ҳар ниҳол, ҳар битта япроқ
Барқ уриб гуллаган бахт-саодатим.

Лазизхон: Агар бўлса ёримсиз у боғ
Ундай бокқа йўқдир тоқатим.

Жуманиёз: Бутоқларда сайраган ҳар зоғ
Тонг пайтида гўзал овқатим.

Лазизхон: Булбул бўлиб куйлайман, бироқ,
Лабига теккали етмас журъатим.

Жуманиёз: Хоҳи касал, хоҳи бўлай соғ
Бахт-ла ўтар ҳар бир фурсатим. Яна бошқа бир дафтаримда

Жуманиёзнинг "Ўзбекистон" деб аталган тўртлик шеърига Лазизхоннинг ҳам ёзган тўртлик мисраларини учратдим:

Жуманиёз: Салом, Ўзбекистон, жон Ўзбекистон, Юракдан
кутлайман йигит ёшингни. Шаънингга
ярашур шеърӣят, дoston, Иқбол
парваришлаб силар бошингни.

Сен куёш ўлкаси, муаззам диёр
Улуғ оилада ўрнинг муқаддас.

Ҳамиша гуркирар қўйнингда баҳор
Ҳаёт завқи билан оласан нафас.

Лазизхон:

Мен сени севаман баҳор мавсуми
Қизларнинг зулфида ёнганда лола.
Мен сени севаман жонон қизларинг
Оппоқ қўллари-ла тутса пиёла.

Мен сени сенваман эй Ўзбекистон,
Йигитлар макони, қизлар диёри. Мен
сени севаман, эй азиз юртим Сенгадир
севгимнинг барчаси-бори.

Бу мисралар Лазизхонда шоирлик иқтидори ҳам бир қадар бор эди деган фикрга олиб келади.

Мана, орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтди, талабалик йиллари машқий шеърлар ёзиб юрган меҳнатсевар ва камтарин Жуманиёз Жабборов "Ўзбекистон халқ шоири" унвонига эга бўлди. У ўзининг оташин қалб лирикаси, қўшиқлари, дostonчилиги, драматургияси ва ниҳоят таржимонлик санъати билан элга танилди"¹⁶.

Анвар Шомақсудов Лазиз Қаюмов билан танишлиги орқасидан Хўканди латифдек ажойиб шаҳри азимда Қўқон тарихи ва адабиёти билимдони, Азиз ва Лазиз Қаюмовларнинг отаси Пўлотхон домла билан танишади ва у кишидан Муқимий даврига оид қўпгина маълумотларни олишга муваффақ бўлади:

"Биз курсдошлар филология факультетини 1952 йил битирдик. Шу йили Лазиз ўзбек адабиёти кафедрасига, мен тил кафедрасига аспирант бўлиб қабул қилиндик. 1956 йил июнида иккаламиз бир кунда номзодлик диссертациясини ёқладик.

Айтиш керак, аспирантлик даврида дўстлигимиз янада ижодий ва ҳамкорлик тусини олди. 1954 йилнинг ёзида домла Ғулом Каримов раҳбарлигида илмий

¹⁶ Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.19-21.

экспедиция таркибида Лазизхон ва мен Қўқонга бордик. Лазихонлар хонадонида бўлганимизда оталари Пўлат домла билан танишдик. Пўлат домлани Қўқон адабий муҳитининг йирик билимдони деб эшитган эдик. Шу сабаб, ул зот билан суҳбатда хар қандай олим ҳам дабдурустдан гап бошлашга истиҳола қилиб турар экан. Лекин зукко Ғулом Каримов у кишининг кўнглига тезда йўл топди. Пўлат домла адабий кўмак ва маслаҳат беришда кўли очиклик, сахийлик қилдилар.

Эртасига Қўқондаги Муқимий музейини зиёрат қилгани бордик. Бирмунча дуруст сақланиб қолган кўҳна масжиднинг бир хужраси музей экан. Бу хужрада бир вақтлар шоир Муқимий яшаб ижод қилган.

Хужра унча катта эмас, содда жиҳозланган, токчаларида қўлёзма китоб, баёзлар, қозикда Муқимийнинг эски тўни, дўпписи осиглик, ўртадаги хонтахтага дастурхон ёзилган. Хужра этагида обрез, ёнида обдаста, чап томонда ўчоқ ва унга қозон осилган...

Қўқонлик шоир Чархий домла музей-хужрага мутасадди эканлар. У киши бизларни очик чехра ва хушфеъллик билан кутиб олдилар. Бошларида гармдори нусха дўппи, белда шойи белбоғ, эгниларида оппоқ ятак кичик жуссаларига ярашиб турарди.

Суҳбатимиз жуда қизиқарли бўлди. Чархий домла муқимийнинг ҳажвий асарлари ва айниқса ишқий ғазалларидан баъзиларини жуда завқ билан ёдаки айтиб берди.

Шунда, домлага илгаридан таниш Лазихон ҳазил-мutoйиба қилди:

- Ҳа, домла, қариган чоғингизда сиз ҳам ёр тавсифида устозингиздан қолишмас экансиз, - дедида, Чархий қаламига мансуб куйидаги мисраларни ёддан айтди:

Товланиб гунчадек ёнса яноғинг,

Лол қолур шабнамда очилган лола.

Куйласам мадҳингни сой соҳилида,

Зеб бериб зулфингга ўйнар шалола.

- Йўғ-е, Лазизхон, бизнинг машқ ҳали жуда содда иншо. Биласизми, кўнгилсевар илҳом билан қалам тебратиш ёшу кексаликка қарамас экан. Кўнгил бу ҳеч қаримас фазилят бўлиб, у доимо шодмон ёшарувда бўларкан. Кўнгил ёшлигин куйлаш биз кекса шоирларга азалдан меросдай туюлади.

Суҳбат давомида Чархийдомла биз меҳмонларни Муқимий ва Завқийга дўст бўлган Акрамқори билан таништирди, улар кўп нарсани ёддан билар экан. У кишининг оғзидан биринчи бор, Завқийнинг ҳали адабий жамоатчиликка маълум бўлмаган "От" ҳажвини тинглар эканмиз, бу янгилик учун суюниб кетдик, ҳажвни зудлик билан ёзиб ола бошладик. Лекин чап қўл билан ёзиб улгурмаётганимни кўрган Лазизхон ҳажвни ёзиб олишда менга ёрдамлашиб турди. Акрамқори ҳажвни ёзилиш сабабини шундай таърифлаган эдилар:

- 1890-йилларнинг охириги йиллари бўлса керак, Муқимий, Завқий, мен ва яна бир неча дилтортар дўстлар Ўшга саёҳат қилмоқчи бўлдик. Йўл анжомларини, от-аравани тайёрлаш менга топширилди. Аравакашлар саройига борсам, фақат биргина аравакаш қолган экан. Аравакаш от-аравасини мақтайбергач, мен шу аравани кира қилишга рози бўлдим. Ҳатто аравакаш бизларни айнаб қолишмасин деб ўз ёнидан, қайтариб бериш шарти билан 5 сўм пул ҳам берди. Эрта азонда Муқимий, Завқий ва мен шу аравада Ўшга жўнадик. Йўлда кета туриб ёмғир-селда қолдик. Аравадан тушамиз десак атроф ҳаммаёқ сув-лой, тушадиган жой йўқ. От бўлса қайсарлик -гожлик қилиб турган жойидан бир қадам ҳам жўлмайди. Аравакаш эса хуноб бўлиб отини савалайди. Отни урган сари от шотини тепавериб, турган еридаги сувни қип-қизил қон қилиб юборди. Отининг бундай қайсарлигини биздан яширган аравакашни ҳаммамиз роса уришдик, ундан хафа бўлдик. Ниҳоят, кўп йўл азобидан сўнг Ўшга етиб келдик. Шунда Завқий домла аравакашни чакириб олиб: "Ака, мен отингизга бир тумор ёзиб қўйдим, қачонки у қайсарлик қилиб юрмавй қолса, шу туморни ўқисангиз юриб кетади", деб аравакашга тумор-хатни бердилар. Аслида эса бу тумор-хат Завқий домланинг "От" ҳажвияси эди.

Мана ўша Акрамқоридан эшитиб ёзиб олганимиз Завқийнинг янги топилган шеъри:

Карвон, карғай, сенинг-ла мустадом ўлсин отинг,
Жиннилик бобида умри бардавом ўлсин отинг.
Бизга билдирмай кира қилдинг-у, баҳад алдадинг,
Дунёда сен бекафан, бул белижом ўлсин отинг.
Сотмасанг ё суймасанг мундоғ ёмон феълин кўриб,
Нотавон сен бирла дунёда ҳаром ўлсин отинг.
Олға юрмасдан Қароқчикумда қилди танг дил,
Қорақош, ҳанги, асов, ҳар ишда хом, ўлсин отинг.
Рўбарў келганни тишлайди қутурган ит каби,
Шатталар толу терак, хоҳ бўлса том, ўлсин отинг.
Ҳеч ким биздин бўлак минбаъд кулфат кўрмасин,
Умр кўрмай ёки бир кунда тамом ўлсин отинг.
Бўлмаса танбеҳ акангнинг панжасин карт узгани,
Ўлдириб сен баччағарни неку ном ўлсин отинг.
Завқийга ҳамроз Муқимий Ўш келиб Мирзо Умар,
Қори Акрамжонга танбеҳи мудом ўлсин отинг.

Айтишим керак, ижодий сафарда ҳамсафар дўстим кўмагида
биргаликда ёзиб олганимиз Завқийнинг бу янги шеъри биринчи бор 1954
йили илмий ишимда жамоатчиликка маълум қилинди"¹⁷.

Мазкур ёдномада Анвар Шомақсудовнинг Лазиз Қаюмов илмий фаолиятига
нурли штрихлар чизган, уларнинг ўзбек адабиётшунослиги тарихи саҳифаларини
тўлдиришда бой манба вазифасини ўташи шубҳасиз. Кейинги сатрларда Лазизхон
домланинг пойтахт адабий муҳитидаги танишлари ниҳоятда бисёр эканлигидан
далолат беради:

"Лазизхоннинг дўстлари, таниш-билишлари жуда кўп эди. Едимда, бир куни,
аспирантлик вақтимизда, университетнинг катта кутубхонасига кетаётган эдик,
йўлда Лазизхон бир кизни учратиб узоқ гаплашиб қолди, мен қизиқсиниб:

- Ким у? - деб сўрадим.

¹⁷ Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.21-23.

- Шоир Собир Абдулланинг кизлари, университетда ўқийди. Домла мени сўрабдилар, эртага уйларига ўтадиган бўлдим. Хоҳласангиз сизни ҳам бирга олиб бораман, - деди.

Эртаси куни Собир Абдулланинг уйига бордик. Дарвозадан киришимиз биланок ҳовлидаги шинамгина кроватда гурунглашиб ўтирган уч-тўртта кишига кўзимиз тушди. Ийманиб турганимизни кўрган Лазизхон менга:

- Тортинмай юраверинг, булар Собир аканинг дўстлари шоир Ҳабибий домла ва ўзингиз Қўконда кўрган Чархий домла, - деди.

Хизмат қилиб юрган йигит - Содир Эркинов бизларни кўриши биланок ёнларига таклиф этди, кўришиб ўтирдик. Сухбатларини эшитиб ўтириб, бу улуғ зотларнинг мумтоз адабиёт соҳасидаги билимдонлигига ва маълумоти нечоғлик беқиёслигига қойил қолдим.

Мавриди келганда улар ҳазил-мутойбага, аскияга ҳам имкон берардилар. Чунончи, Собир Абдулла янги ёзган ғазалларидан ўқиб бера туриб, тақиб ўтирган кўзойнагини олиб қўйиб, йккинчи бошқа ойнакни кўзга илдилар. Буни кўрган Чархий домла:

- Нима бўлди домла, бир кўзга икки кўзойнак, кўрганлар нима дейди? - дедилар.

- Нима десалар дейишаверсин-у, лекин ҳали туш кўришга ҳам учинчисини олмоқчиман, - деб жавоб қилдилар. Ҳаммамиз кулишдик"¹⁸.

Анвар Шомақсудов Лазиз Қаюмовнинг фазилатларидан ташқари яқин дўстлиги боис унинг турли қирраларини ёритди, унинг қизиқиш доирасини чизиб берди:

"Лазиз Қаюмов ўзбек адабиётини ўрганиш борасида иттифоқ халқлари адабиёти намояндаларининг бой маънавий обидаларига назари тушди. Докторлик диссертациясини ёқлагач, дилида қардош халқлар адабиёти дурдоналарини тўқис ҳолда ўзбек. ўқувчисига етказсам деган эзгу бир ният уйғонди. Халқлар ва тиллар, турли- туман адибу шоирлар, турфа миллий маданиятларни бир-бирига чамбарчас

¹⁸ Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.23-24.

боғлаб ўрганишда муҳим восита-кўприк, бу - кафедра бўлиши керак, деган фикрга келди. Шу тариқа у янги кафедрани ташкил қилди, атрофига изланувчан шогирдларини тўплади, университетда қардош халқлар адабиёти тарихини ўрганишни бошлаб берди ва бутун умри бўйи эътиборини қочирмай бу хайрли ишга раҳнамолик қилиб келди. У қардошшунос олим сифатида адабий анжуманлар ташкил қилди, ўзининг мароқли маърузалари билан уларга файз киритди.

Айтиш керак, Лазиз киши қалбини ўзига тортувчи хушовоз нотик ҳам эди. Конференциялардаги докладларида ёки аудиторияда талабаларга ўқиган маърузаларида манбалардан ишончли далиллар келтириб шундай гўзал ва мазмунли маъруза қилардики, барча эшитиб мамнун бўларди"¹⁹.

Киши иш юзасидан бирга ишлаган одамлари билан доимий мулоқотда бўлиб, улар билан тугишгандан ҳам яқинроқ бўлиб кетиши табиий. Шу боис Анвар Шомақсудов ҳам факультетдаги дилтортар яқинлари ҳақида хотираномаларида тўхталган. Ана шулардан бири услубшунос олим Ирисали Тошалиевдир. У киши ҳақида **"Фаолияти кўп қиррали олим эди"** деган бобда фикр юритадилар:

"Ҳар гал ўз ҳаёт йўлимни мушоҳада қилар эканман, дўсту ёронлар, устозу шогирдларнинг жонли қиёфалари бирма-бир кўз ўнгимдан ўтаверади. Ана шундайлардан бири ўзбек тили услубияти фани тадқиқотчиси, сермахсул олим, моҳир педагог Ирисали Тошалиевдир.

Ирисали университетда ўқиб юрган йилларидаёқ ўзбек тилшуносларининг дарғаси, устоз Айюб Ғуломов назарига тушган иқтидорли талабалардан бири эди. Университетга ишга ўтгач, изланишларини давом кафедрасига ўрин берилмади. Оқибатда кафедра ёпилиб филфакка турдош кафедра сифатида қўшиб юборилди.

Кафедранинг барча аъзолари ва айниқса мудир Ирисали Тошалиевнинг зудлик билан қилган саъй-ҳаракатлари натижасида йил ўтар-ўтмас "Услубият ва таҳрир" кафедраси яна тикланиб, унга муносиб ўрин берилди. Лекин бу вақтга келиб, кафедранинг тамал тошини қўйган кекса аъзолари Ф.Насриддинов,

¹⁹ Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.24-25.

С.Низомиддинова, А.Шомаксудов, Р.Саидова, О.Д.Беляковскаялар олдинма-кетин пенсияга кузатилиб, малакали педагоглар танқислиги сезилиб қолганди.

Кафедра муdiri доцент И.Тошалиев шошиб қолмади, ўзига хос вазминлик ва талабчанлик билан иқтидорли ёшларни ишга жалб этди, уларга илмий-ижодий йўлларни кўрсатди, педагогик маҳорат сирларини ўргатди. Натижада, кафедра аъзолари айна мана шу мустақиллик йилларида жуда самарали фаолият кўрсатдилар. Биргина мудирнинг ўзи журналистика мутахассислиги бўйича ўндан ортиқ номда ўқув фанларининг намунавий дастур ва қўлланмаларини яратди. "Ўзбек тили стилистикаси" (1997), "Ҳозирги ўзбек тили" (1997), "Адабий таҳрир асослари" (2001), "Газета жанрлари услубияти" (1997), "Газета тили" (1997), "Нутқ маданияти" (1997), "Ўзбек тилининг амалий услублари" (1997) каби изланишлар шулар жумл асидандир".

Тиниб-тинчимас олим ўз ҳаётини илмий-ижодий изланишсиз тасаввур қилолмасди. Оғир касаллигига қарамай, умрининг охирги йили И.Тошалиев Р.Абдусатторов билан ҳаммуаллифликда ҳажми анча катта бўлган "Оммавий ахборот тили ва услуби" (2006) номли муҳим ўқув қўлланмасини жамоатчиликка тақдим этди. Бу йирик ишда журналистика ихтисослигининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, оммавий мулоқот тили ва услубининг лисоний ва нолисоний асосларига оид тушунчалар, омиллар ва усуллар ҳақида фикр юритилади"²⁰.

Шунингдек, А.Шомаксудов ушбу китобда И.Тошалиевнинг ўзига хос фазилатлари ҳақида, она юрти Сайрамга ташрифи тўғрисидаги ажойиб хотиралари билан ҳам ўртоқлашади.

Анвар Шомаксудовнинг **"Аср билан тенглашаётган умр"** китобида, асосан, акалари Мунаввар Турсунов ҳақидаги битикларидир. Мазкур ёдноманинг юқоридаги "Аср билан тенглашаётган умр" деб ном олишига сабаб қарийб 100 ёшга етай деб қолган Мунаввар ака ҳақида гап кетади. Мунаввар аканинг ёшлиқдан китобларга қизиқиши баланд эканлигидан оналарининг маҳалласи яқинидаги "Турон" кутубхонасига боришни канда қилмайдиган одат чиқаради:

²⁰ Шомаксудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.27-28.

" - Онамиз Тожинисо Маҳсидўзлик маҳалласида тугилиб, шу ерда катта бўлганла. "Турон" кутубхонасида эса шу маҳаллалик Абдулла Носиров деган ходим ишларди. Ҳар гал борганимда: "Ҳа жиян, келдингми?" - деб менбоп яхши китобларни тутқазарди. Мендаги китобга бўлган қизиқишни кўрган Абдулла ака бир куни шундай деб қолди: менга бир устозим "китоб мутолаа қилмаслик - қиёмат, инсоннинг онгсиз, билимсиз яшаши - қиёмат" деган эдилар, шу туфайли бутун умрим шу кутубхонада ўтади. Абдулла Носировнинг шу доно гапларини эсласам, аввало, Қоридодам бисотидаги қўлёзма, тошбосма девон ва баёзлар, қолаверса "Турон" сингари бой кутубхонада ўқиган китобларим умрим мазмуни бўлиб қолганини англайман"²¹.

Анвар Шомақсудовнинг мазкур ёдномалар туркуми адабий-маданий ҳаёт лавҳаларини бериши билан ҳам қиммати ортса-ортадики, ҳечам камаймайди. Масалан, Абдулла Қодирий ижоди билан боглиқ бўлган лавҳалар ана шулар жумласидандир:

"Мунаввар ака кутубхонада даврий матбуот саҳифаларини мунтазам ўқиб борар экан, илк бор Абдула Қодирий ижоди билан ҳам танишади. Бу буюк адиб хотирасига тегишли бир воқеани фахр ва ғурур билан эслаб, шундай ҳикоя қиладилар:

"Тахминан 1929 йилнинг ўрталарида Тошкентда ўзбек тилида чиқадиган "Шарқ ҳақиқати" номли газетанинг ўндан ортиқ сониди драматург Сотти Ҳусайннинг танқидий катта мақоласи босилиб турди. Мақоланинг сарлавҳаси "Ўткан кунлар" ва ўткан кунлар" эди. Бу узундан-узоқ мақоланинг мазмунида "Абдулла Қодирий ўзининг машҳур романида ўтган замонни, яъни хон ва амирлик даврини миллий буржуа мафкурасига суяниб таърифлайди ва гўё ўша даврни қўмсайди" деган хулоса бор эди.

Худди ўша мақола газетада кетма-кет босилиб турган пайтларда бир куни адам (отамизни шундай деб атардик) билан биргаликда Самарқанд дарвозага, кариндошларни кўргани Мирсобир тоғамизнинг ёзлик боғига бордик. Кечки пайт адам мени етаклаб, ёнма-ён қўшни Абдулла аканинг боғига ўтдилар. У киши

²¹ Шомақсудов А. Аср билан тенглашаётган умр. – Т.: Зарқалам. 2007. – Б.6-7

мамнуният билан адамини эски, отасидан қолган шийпонга таклиф қилди. Ҳабибулло дарҳол кичкина хонтахтага дастурхон ёзди ва онаси Раҳбар опоғойи узатган патнисдаги меваларни ва чойнакни қўйди, эпчиллик билан катталарга чой узатиб турди.

Суҳбат бошида адам:

- Мулла Абдулла, бу бемаъни танқидларга қарши биронта раддия ёзиш фикрингиз борми, дедилар.

Бунга жавобан у киши:

- Эй қори ака, булар мени камситишга беҳуда уриниб, аксинча номимни жамиятга маълум қилишяпти. Раддия ёзишга вақтимни сарф қилиш ўрнига, худо умр ва сабр берса, яна бир-иккита асар ёзиб қолдирай, деган умидим бор, деди.

Абдулла ака ўрнидан туриб, яқинидаги стол устидан бир тўплам қоғозни олиб варақлай бошлади.

- Қори ака, мен бир нарса ёзаётган эдим, шундан бир-икки шингил сизга ўқиб бермоқчиман...."²² - деб Абдулла Қодирий "Меҳробдан чаён" романидан "Хон кўнгил очмоқчи" бобини ўқиб берган эканлар. Кейинчалик Мунаввар ака адиб билан бўлган ўша унутилмас учрашувни фахр билан хотирлар эканлар.

Мазкур ёднома фақатгина Мунаввар акалари тўғрисида эмас, балки оталарининг юксак меҳнатлари ҳам ёдга олинади.

Маълумки, Шотурсун қори отамиз (қоридода), - деб ёзади Анвар Шомақсудов, 60-йилларда анчагина вақт Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайдилар. У киши луғатшунослик билан шуғулланишдан ташқари, умр бўйи зўр иштиёқ ва сабр-тоқат билан ўзбек халқ мақоллари ва ибораларини йиғиб, ҳозирги ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирган табаррук инсон эдилар.

Отамиз йиққан халқ дурдоналарининг айрим қисмлари ҳаётлик чоғларидаёқ турли номлар ("Кенг уйнинг келинчаги", "Нега шундай деймиз?", "Хикматнома") билан нашр этилган. Лекин отамизнинг бирдан-бир орзуси халқимиз орасида

²² Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кечирганларим. –Т.: Зарқалам. 2007. –Б.7-8

қўлланиб келинган мақол, нақл, ибораларга кенг изоҳ бериб, имкон қадар тўларок нашр этиш эди. афсус, бу орзулари ҳаётлик вақтларида рўёбга чиқмади.

Мана, Мустақиллик шарофати билан она тилимиз, тарихимиз, кадриятларимиз, маданиятимизга муносабат тубдан ўзгарди. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти 2001 йилда, қарийб 20 минг ҳикматли сўзни ўз ичига олган Отамиз китобларини (шогирдлари Шухрат Шораҳмедов билан ҳаммуаллифликда) "Маънолар маҳзани" номи билан тўлалигича нашр этди.

Бу ноёб китобнинг тақдимоти куни Мунаввар ака хонадонимиз номидан гапирар экан, шундай дедилар:

- Аввало, китобга жуда мазмунли, теран маъноли сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовга, тажрибали ноширлар Даврон Шораҳмедов ва Муроджон Аминовга Қоридода фарзандлари номидан чуқур миннатдорчилик билдираман. Қоридода учун Эркин Воҳидов ўзбек шеъриятининг бўлажак ёрқин юлдузларидан бири эди. шундай бўлди ҳам.

Унинг ҳар бир шеъри, ғазалини қолдирмай ўқиб борардилар. Айниқса, Эркиннинг "Ўзбегим" ғазалини ўқиб, унинг бадиий юксаклигига, шоирнинг довюраклигига тан берган эдилар. Отамиз қўл урганлари - халқ ижодиётини бир уммонга ўхшатардилар. Бу уммон эса бир-икки кишининг меҳнати ва зеҳни етмайдиган даражада бойдир, деб таъкидлардилар²³.

III БОБ.

²³ Шомақсудов А. Аср билан тенглашаётган умр. Т.: Зарқалам. 2007. Б.36-38.

ОЛИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖУРНАЛИСТИК МАКТАБНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАҚИДАГИ МОНОГРАФИК АСАРИ

Мустақил юртимизнинг матбуоти ва оммавий ахборот воситаларига малакали мутахассислар тайёрловчи маскан - журналистика факультети 64 ёшда.

Биз битирув малакавий ишини ёзар эканмиз, Журналистика факультетида кадрлар тайёролаш тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида А.Шомақсудовнинг "Журналист мутахассислар тайёрлаш маркази" номли китобидан атрофлича фойдаландик. Чунки бу китобда Журналистика факультети ҳаёти чуқур таҳдил қилиб берилган.

"Журналист мутахассислар тайёрлаш маркази" номли рисола журналистика факультетининг 1949-1999 йиллар оралиғидаги фаолияти тарихини қамраб олган. А.Шомақсудов бу китобида факультетнинг ташкил қилиниши, унинг ривожланиши ва олдида турган вазифаларни акс эттиришга ҳаракат қилган.

Ўтган давр ичида матбуот ходимларининг бир эмас, бир неча авлоди етишиб чиқди. Аини вақтда ҳам уларнинг сафи янгидан-янги ёш ижодкорлар билан тўлиб бормокда. Биз 1949-2013 йиллар мобайнидаги факультетимиз тарихи саҳифаларини варақлаб, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бундан ярим аср муқаддам - 1949 йили Ўрта Осиё давлат университети филология факультети қошида журналистика бўлими ташкил этилди.

Журналистика бўлими ўзининг 64 йиллик тарихи давомида оммавий ахборот воситаларининг турли соҳалари учун минглаб юксак малакали кадрларни етказиб берди, республикада матбуот фани равнақига сезиларли ҳисса қўшди.

Урушдан кейинги йилларда республика даврий матбуоти бир мунча кенгайиб, газета-журнал редакцияларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш зарурияти тугилди. Республика раҳбарияти бу долзарб ва муҳим вазифани бажаришни университетга топширди. Шундай қилиб, 1949 йили Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) филология факультети қошида журналистика бўлими ташкил этилди. Бу сана, яъни 1949 йил ўзбек журналистикаси тарихи солномасида алоҳида ўринни эгаллайди.

Журналистика бўлимининг ўқув-ўқитув режаларини бошқариш учун журналистика кафедраси ташкил этилиб, унга бир йилча Т.А.Тутунжан, кейин 1950 йилдан 1961 йилгача доцент Турсун Собиров мудирлик қилган.

Кафедранинг бу ташкилий даврида унинг мудири доц. Турсун Собировнинг саъй-ҳаракати билан кўпгина ишлар бажарилганини: журналистика мутахассислиги бўйича ўқув режаси тузишга киришилди, фотолаборатория ва машинкада ёзувни ўргатиш хонаси (кабинети) ишга туширилди, сиртдан ўқувчи талабаларнинг сони кўпайди, ўзбек ва рус тилидаги кундузги гуруҳларга талабалар қабул қилинганини ёзади.

Энг муҳими, бу йилларда журналистика кафедраси ўқув жараёнини таъминлаш мақсадида ўқитувчилар таркибини тўлдириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берган. Бу даврда кафедра мудири Турсун Собировдан ташқари унинг аъзолари Расул Муҳаммадиев, Анвар Шомақсудов, Ориф Саидовлар дарс бердилар. Булар сафига 1958 йилда журналистика бўлими кундузги гуруҳ қалдирғочлари, МГУ аспирантурасида таълим олган истеъдодли ёш ўқитувчилар Тоҳир Пидаев ва Воҳид Абдуллаевлар келиб қўшилган. Кафедранинг иш юритиш хужжат ва қогозларини лаборант Павел Романика бажарар экан. Шу йилларда баъзи махсус курсларни ўқиш учун соатбай ва ўриндопшик йўли билан тажрибали амалиётчи журналистлар ҳам жалб этилган. Жумладан, "Қизил Ўзбекистон" газетасининг ўтпа вақтдаги муҳаррири Иброҳим Раҳим, ўзларининг ўткир мақола ва фельетонлари, очерк ва ҳикоялари билан танилган устоз журналистлар Ҳабиб Нўъмон ва Ориф Юнуслар турли мавзуларда машгулотлар олиб борганлар.

Олимнинг ёзишича филология факультети раҳбарияти ва унинг қолган бошқа кафедралари журналистика бўлими ўқув режасини бошқариш ва ташкил этишда доимо амалий ёрдам кўрсатиб келганлар. Лекин, барибир, асосий иш журналистика кафедраси аъзолари зиммасида бўлган. 1958-1959 ўқув йилида кафедранинг 6 аъзоси - Т.Собиров, Р.Муҳаммадиев, А.Шомақсудов, Т.Пидаев,

В.Абдуллаев, О.Саидовлар ўқув режасида кўрсатилган фанлар бўйича маъруза ўқиганлар, машғулотлар олиб бориб, талабаларнинг амалий ишларини уюштирганлар.

Доцент Т.Собиров Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги адабиёт институтига ишга ўтиши муносабати билан журналистика кафедраси мудирлигига доцент А.Шомаксудов сайланган. У 1961 йилнинг сентябридан то 1967 йилгача кафедрага раҳбарлик қилди.

1960 йиллардан бошлаб деканларни юқоридан тайинлаш эмас, факультет илмий кенгашида ёпиқ овоз бериш йўли билан сайлаш тартиби жорий этилди. Шунга кўра 1961 йилда филология факультети декани лавозимида доц. А.Шомаксудов сайланди.

Доцент А.Шомаксудов бир вақтнинг ўзида журналистика кафедраси мудир вазифасини ҳам бажариб борган. Кафедра аъзолари журналистика бўлимининг кундузги, кечки ва сиртқи гуруҳдарига талабалар қабул қилиш ортиши билан улар учун ўқув-методик қўлланмалар тузиш каби амалий масалаларга эътиборни қаратганлар. Талабаларнинг газета, журнал ва радио редакциялари билан алоқасини ўрнатиш, уни янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқариш амалиётига эътибор берилиб, ҳар бир талаба муайян редакция ва нашриётларга бириктириб қўйилди.

Мавжуд фотолаборатория (бошлиғи Фатхулла Лутфуллаев) ва машинкада ёзув хоналари (бошлиғи Б.Қосимова) янги жиҳозлар билан тўлдирилган. Шу билан бирга ўқув-ўрганув газетасини ташкил этиш, бунинг учун ўқув-полиграфия лабораториясини барпо этиш иши жадаллаштирилди. Бу масала юзасидан раҳбар ва мутасадди ташкилотларга махсус хатлар билан мурожаат қилинган. Бундай муҳим ва қийин ишларни амалга оширишга журналистика кафедрасининг барча аъзолари фаол қатнашганлар. Бундай фаоллик билан ҳаракат қилишларида албатта, Анвар Шотурсунович юритган сиёсат муҳим рол ўйнаган.

Айтиш керакки, ўқув-ўрганув газетаси ташкил бўлгунга қадар журналист талабалар филология факультети деворий газетасининг ношири ва муҳбири сифатида фаоллик кўрсатдилар. Ҳар қайси курснинг ўз газетасидан ташқари

факультетда "Утюг" ("Дазмол") деган ҳажвий деворий газета ҳам чиқарилган. Газетанинг асосий ташкилотчилари Вульс, Г.Меликянц, Александр Пьяновлар бўлиб, уларга журналист талабалар яқиндан ёрдам берардилар.

Олим журналистлардан талаб этиладиган салоҳиятни очиб бераётиб, газета хақида қуйидагича хотирлайди:

"Утюг" ўзининг 8-10 ватман қоғозли катта ҳажми, чиройли безатилиши, карикатуралари, хабарларнинг долзарблиги, оташ-олов қуйдирувчи сўзлари билан ўз мухлисларини топган эди. Танқид қилиш керак бўлса ҳеч кимни аямасди, юз-хотир қилмасди.

Ҳали-ҳали эсимда... 1959-1960 ўқув йилининг куз ойлари эди, факультетимиз талабалари Тошкент вилоятининг Бўка туманида пахта теримида иштирок этмокда эдилар. Деворий газета таҳририяти "Утюг пахта даласида" деган махсус сонини чиқариш тараддудида эди.

Шу кунларда пахта даласига атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом кизлари - журналистика бўлими талабаси Олмосхонни кўргани келадилар. Воқеанинг бундан кейинги тафсилотини Олмосхоннинг ўзи шундай баён қилади:

"Дадам мени кўргани келдилар ва Тошкентда Осиё-Африка ёзувчилари конференцияси очилиши хақида айтиб қолдилар. Мен конференцияга боргим келаётганини айтсам, дадам:

- Домлаларингдан сўрай-чи, рухсат бераалар, олиб кетиб, икки-уч кунда қайтариб олиб келаман, - дедилар...

Дадам Лазиз Қаюмовдан, мен эса университетимиз деворий газетаси муҳарриридан рухсат сўрадим. Чунки таҳририят аъзоси эдим. Ўша кунларда газета чиқариш тараддудида эдик.

Хуллас Тошкентга кетдик...

Конференция тугамасданок, ваъдага биноан дадам мени пахта ҳашарига қайтариб олиб бордилар.

Дадам келганларини кўрган ўқитувчилар, талабалар уларни қуршаб олишди. Мен ўша ерда хонадонда яшаётган кўрсдошларим олдида кириб

кетдим. Ечиниб чиқсам, кулгу устига кулгу, дадам яна бир қизик воқеани айтиб бераётган бўлсалар керак, деб ўйлаб ёнларига борсам:

- Юр Олмос, деворий газеталаринг чиққанмиш, кўрайлик, - дедилар...

Бордик... Не кўз билан кўрайлики, "Утёг" ҳажвий газетамизда дадам мени кўлимдан етаклаб олиб кетаяптилар-да, тагига: "Сен етим эмассан, пахтани етимлар терсин"²⁴ деб ёзиб қўйилган. Дадам хурсандлар, куладилар, мен эса йиғламоқдан бери бўлиб кетдим.

- Қара, газеталарингнинг ҳозиржавоблигини. Тўғри-да, ҳамманинг ҳам конференцияга боргиси келгандир. Ахир бўлғуси ёзувчи, журналистлар-да. Танқидни қабул қиламан, дедилар. Сен-энди йкки норма пахта тергин, айбинг кечирилади, - деб жўнаб кетдилар"²⁵

Кўряпсизки, атоқли ўзбек ёзувчиси Ғафур Ғулом ёш журналистларнинг ҳажвий-танқидий ёндашувларини хурсандчилик билан қабул қилди. Ўша вақт журналист талабаларнинг деворий газетаси Ғафур Ғуломдек инсонни танқид қилишни уддалай олганди. Айниқса танқидни самимий қабул қилиниши ёш каламкашлар ижодига "оқ йўл" тилаш билан баробар эди.

Журналистика кафедраси малакали ёш мутахассислар етиштириш билан бирга, ўқитувчиларни илмий ишга жалб қилишга ҳам эътибор берди. Дастлабки пайтларда баъзи мавзулар ҳали умумфилологик тадқиқотлар доирасида эди. Масалан, кафедра аъзоси Расул Муҳаммадиевнинг 1961 йил декабрда ёқлаган номзодлик диссертацияси ўзбек халқ оғзаки ижодиётида кам ўрганилган "Аския" мавзуйига бағишланган эди.

Кейинчалик, яъни 60-йиллардан сўнг журналистика кафедраси аъзолари сон жиҳатдан кўпайиб, улар энди ўзбек матбуотининг назарий масалалари билан бевосита шугуллана бошладилар. Бу соҳадаги илк қадам сифатида кафедра аъзоларининг 1964 йилда чиқарган биринчи илмий тўпламини кўрсатиш мумкин.

ТошДУ Илмий асарлар, 250-чиқарилиш рақами билан қайд этилган бу тўпланда ўзбек журналистикаси тарихи, назарияси ва амалиётига оид

²⁴ Шомақсудов А. Журналист мутахассислар тайёрлаш маскани. –Т.: Зарқалам. 2003. – 9-10.

²⁵ Шомақсудов А. Журналист мутахассислар тайёрлаш маскани. –Т.: Зарқалам. 2003. – 11.

масалалар ёритилган. Катта ўқитувчи Тоҳир Пидаевнинг мақоласи Ўзбекистонда матбуотнинг ташкил топиши ва ривожланиши масалаларига доир, катта ўқитувчи В.Абдуллаевнинг мақоласи республика матбуотининг пахтачиликни юксалтиришдаги кураши масалаларига бағишланади. Доцент Р. Мухаммадиев ўз мақоласида ўзбек публицистикасининг тараққиёт йўллари ҳақида фикр юритади, доцент Очил Тоғаев, доцент Ориф Саидов ва катта ўқитувчи Ф. Насриддиновнинг мақолаларида матбуотнинг етакчи жанрлари ҳисобланган очерк ва сатирик жанрларнинг, ўзига хос хусусиятлари ва бадиий маҳорат масалалари ёритилади. Доцент А.Шомақсудовнинг ишида матбуот материалларининг тили ва услубига доир муҳим масалалар ўрганилган. Катта ўқитувчи Абдулла Сайфутдиновнинг мақоласи газета чиқариш техникасига бағишланади.

Кафедранинг иккинчи илмий тўплами 1967 йилда "Ўзбекистон матбуоти 50 йил ичида" номи билан нашр қилиниб, тўпламдаги мақолалар ўзбек журналистикасининг қарийб ишланмаган соҳаларига бағишланган. Тўплам, В.Абдуллаевнинг ўша давр ўзбек матбуоти долзарб мавзуга доир мақоласи билан бошланган. Пўлат Ҳамдамовнинг мақоласида Туркистон АССРда китоб нашр этиш ишининг ташкил этилиши баён қилинган. Тоҳир Пидаевнинг мақоласи эса Ўзбекистонда ишчи-қишлоқ мухбирларининг оммавий ҳаракати тарихига бағишланган. Очил Тоғаевнинг ишида эса бадиий очеркда типиклаштириш ва унинг ўзига хос томонлари ўрганилди. П.Филиппов матбуотда репортажнинг ўрни, аҳамияти ҳақида баҳс юритади. А.Сайфутдинов фотожурналистиканинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ҳақида фикр юритади. А.Шомақсудов вақтли матбуотда қўлланиладиган фразеологик ибораларнинг келиб чиқиши ва ишлатилишини тадқиқ этади. Ф.Насриддинов Абдулла Қодирийнинг журналистик фаолияти ва публицистик мероси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Энг муҳими, бу даврда журналистика бўлими кенгайди, кафедра аъзолари сон ва сифат жиҳатдан ўсиб, улар 20 кишига яқинлашиб қолди. 1966-1967 ўқув йилида кафедра таркибида қуйидаги ўқитувчилар хизмат қилдилар: А.Шомақсудов, Т.Пидаев, В. Абдуллаев, Р.Мухаммадиев, Ф.Насриддинов,

О.Тоғаев, О.Саидов, П.Хамдамов, А.И.Алякиринская, Т.И.Баҳромий, А.Сайфутдинов, Н.Лебедев, М.Худойкулов, П.Филиппов, О.М.Кудинова, С.Низомиддинова, Н.Абдуазизова, И.Тошалиев. Булардан ташқари яна четдан жалб қилиниб, ўриндошлик ёки соатбай йўли билан ишлайдиган амалиётчи журналистлар ҳам бор эди.

Журналист талабалар турли даврларда университетга қарашли турли ўқув биноларида таълим олдилар. Дастлаб собиқ «Инқилоб ҳиёбони» яқинидаги университетнинг асосий биносида, сўнгра Хадра майдонидаги «Шахтёрлар» биносида, 1968 йилдан эса университет учун қурилган янги ўқув биносида сабоқ олдилар.

Ректорат ва олий таълим вазирлиги олдига журналист кадрлар тайёрлаш ишини янада яхшилаш, унинг моддий-техник базасини яратиш мақсадида мавжуд журналистика бўлимини мустақил факультетга айлантириш масаласи қўйилди. Бу ишни амалга оширишда кафедранинг барча аъзолари, айниқса А.Акбаров, Т.Пидаев, П.Хамдамовлар алоҳида ташаббускорлик кўрсатдилар.

1967-1968 ўқув йилидан ҳукумат қарори билан филология факультети қошидаги бўлим мустақил журналистика факультетига айланди. Факультет декани этиб тарих фанлари доктори, профессор Тўғон Ирназаров тайинланди. Тўғон Ирназаров чин маънода амалиётчи журналист эди. У болалар газетаси ва радио орқали ўз ўқувчи ва тингловчиларини топди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари жангларда қатнашди, фронт газеталарида мухбир бўлди. Урушдан сўнг у матбуот нашрларида ишлади. "Қизил Ўзбекистон" (Ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетаси таҳририятида самарали меҳнат қилди, айтилиши вақтда илмий иш билан ҳам шуғулланди. Ўн йил давомида Тошкент олий фирқа мактабида кафедра мудири бўлиб ишлайди. Иктидорли олим 1965 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёклади. Тўғон Ирназаров Ўзбекистонда журналистика фани раўнақига салмоқли ҳисса қўшган таниқли олим, публицист, шу соҳанинг биринчи фан докторидир. Оммавий ахборот воситалари тарихига оид илк дарслик ва қўлланмалар муаллифидир. "Туркистонда вақтли матбуот", "Ўзбекистонда халқ матбуотининг раўнақи", Адҳам Акабаров билан ҳаммуаллифликда яратган

"Туркистон матбуоти тарихи", "Ўзбекистон матбуоти тарихи" дарсликлари шулар жумласидандир.

А.Шомақсудов ўзбек журналистикасининг тарихнависи, факультетда ўзининг билими ва салоҳияти билан из қолдирилган шахс бўлган бу забардаст олим билан факультетда қарийб 18 йил бирга ёнма-ён ишлаган. Олимнинг ёзишича, Тўгон Ирназаров мудирлик қилган кафедра ва у декан сифатида раҳбарлик қилган факультет ташкилий шаклланиш даври бўлгани учунми, жуда оғир ва мураккаб шароитни бошидан кечирган. Бу даврда А.Шомақсудов "Стилистика ва адабий таҳрир" (ҳозирда "Услубият ва адабий таҳрир") кафедраси мудир лавозимида (ҳозирда Л.Тошмуҳаммедова) фаолият юритган.

Факультетда журналист кадрларнинг нутқий маданиятини ошириш ва саводхонлигини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга фанлардан бири "Ҳозирги ўзбек адабий тили ва услубияти" фанидир. Бу фандан газета тили, ёзувчи тили ва услуби, матбуотда махсус лексика-атамаларнинг ишлатилиши сингари ихтисос курсларида талабаларга билим берила бошланди. Факультетда "Стилистика ва адабий таҳрир" кафедрасининг очилиши бу муҳим соҳани ўқитиш ва ўзбек адабий тилининг бой услубий имкониятларини ўрганиш ишларини янада яхшилашга ёрдам берди. Кафедра ташкил этилган пайтда унинг таркибида А.Шомақсудов (мудир), аъзолари Ф.Насриддинов, И.Тошалиев, С.Низомиддинова, Д.З.Юсупова, О.Д.Беляковская сингари ўқитувчилар фаолият кўрсатдилар. Кейинчалик булар сафига Рихсия Саидова, Розия Қўчқортоева, Л.О.Пашаровалар қўшилди.

Факультет раҳбарияти ва кафедра мудирлари, жумладан А.Шомақсудовнинг номзодлик диссертацияларини ёзиб тамомлаган ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бериб, ҳимоя ишларини жадаллаштирди. Натижада, ўқитувчилардан А.Акбаров (1967 й.), Мухтор Ҳудойқулов (1968 й.), А.И.Алякринская (1970 й.), Н.Якубов (1971 й.), А.Каримовлар (1971 й.) журналистиканинг турли мавзуларида номзодлик диссертацияларини ёқладилар.

Етмишинчи йилларнинг бошларида факультетда ички вазият бирмунча жиддийлашди ва шу сабаб баъзи ташкилий ўзгаришлар ҳам юз берди.

1972 йилдан 1985 йил июнгача журналистика факультети декани лавозимида доцент А.Шомаксудов узлуксиз ишлади. У бир даврнинг ўзида стилистика ва таҳрир кафедрасига мудир сифатида раҳбарликни ҳам давом эттирди.

Бу даврда факультетда талабалар сони анча ортди. Ҳукуматнинг махсус қарори билан талабаларнинг кўп қисми ишчи-колхозчи ёшлар ҳамда узоқ вилоятлардан олинарди. Бу тадбир битирувчи талабаларни вилоятларга ишга юборишни осонлаштира-да, лекин ижод ва ёзиш қобилиятини талаб қиладиган журналистика факультети учун ноқулай ва салбий жиҳатлари ҳам бор эди. Факультет жамоатчилигининг қатъий талаби билан кириш имтиҳонларидан олдин факультетга кирувчи абитуриентлардан матбуотда эълон қилинган мақола-хабарларини топшириш ва шулар асосида ижодий танлов ва суҳбат ўтказиш тартиби белгиланди. Бу тартиб ўзининг ижобий натижаларини ҳам бера бошлади.

Бу даврга келиб факультет тўла маънода республика газета-журналлари ва нашриётларга мутахассислар тайёрлаш масканига айланди, десак янглишмаган бўламиз. Буни куйидаги беш йилликда таҳсил олган талабалар сони мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин: 1972-1976 йиллар журналистика факультетининг кундузги бўлимини 294 киши, сиртқи бўлимини 319 киши, кечки бўлимини 177 киши битириб чиқди. 1976-1977 ўқув йилида кундузги бўлимда 268, сиртқида 349, кечкида 248 та талаба таҳсил олган.

Республика оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган собиқ талабалар орасида газета, журнал муҳаррирлари, таниқли шоир ва ёзувчилар, илм аҳллари ва танқидчилар етишиб чиққани бизни қувонтиради. Айтиш керакки, бу даврда кўшни Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан келган кўпгина ёшлар ҳам бизнинг факультетда таҳсил олишган.

1979-1980 ўқув йилидан журналистика факультетига хорижий талабалар қабул қилиш расмий тус олди ва уларнинг сони йилдан-йилга орта борди. Чет элликларнинг кўпчилиги Сурия, Иордания, Фаластин, Непал, Мавритания, Чад, Афғонистондан келган ёшлар эди.

Чет эллик талабалар орасида истеъдодли ёшлар ҳам бор эди. Сурия Араб Республикасидан келган Муҳаммад ал-Бухорий журналистика факультетида (1979-1984) ўқиди, сўнгра аспирантурада (1984-1988) таълим олди ва ниҳоят 1988 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ва у факультетнинг "Халқаро журналистика" кафедрасида доцент лавозимида ишлай бошлади. Чад Республикасидан келиб факультетимизда таълим олган Маҳмад Омар, лаослик Вьенсован, жазоирлик Фарех ҳам фан номзоди илмий даражасини олдилар.

Бу даврда факультетимизда ўқув-полиграфия лабораторияси ҳам ишга тушган. Натижада талабаларни газета чиқариш техникаси билан яқиндан таништириш имкониятига эга бўлинган. Энг муҳими, талабаларнинг бевосита амалий иштирокида "Журналист" деган номда ўқув-ўрганув газетаси чиқа бошлади. Газетанинг биринчи сони 1978 йил феврал ойида ўзбек тилида чиқди. Талаба энди хабар тўплаш, информация ёзиш, газетани саҳифалаш-макетини тузиш ва ҳатто қўлда ва линотип машинада харф теришдан бошлаб матнни тузатишгача бўлган барча жараённи, хуллас таҳрир ҳайъати ишини ўзи бажарадиган бўлди.

"Матбуот назарияси ва амалиёти" кафедрасининг аъзолари Б.Дўскораев (1/1978 - У/1979), Б.Мамутов (У/1979 - 1980), Абдулла Турдиев (1980 - 1984 й.), Фотима Мўминова (1984 - 1986 й.), Андрей Никоненко (1986 - 1988), Авезов Нормурод (1989 - 1993), Азамат Овлакулов (1993 -1994), Фотима Мўминова (1994 й.) лар ўқув-ўрганув газетасига асосий ташкилотчиси ва муҳаррирлари сифатида раҳбарлик қилдилар.

1979 йил сентябр ойида Тошкентда "Миллий оммавий ахборот системаларини ривож ва журналист кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. ТошДУ журналистика факультети жамоаси бу халқаро кенгашнинг асосий ташкилотчиларидан бири сифатида унинг ишида фаол қатнашгани алоҳида диққатга сазовор.

1979 йил ўқув йили факультетимиз тарихида яна бир муҳим воқеа рўй бергани билан ёдда қолди. Шу йили "Телекўрсатув ва радиоёшиттиришлар" кафедраси ташкил этилиб, кафедрага шу соҳанинг амалиётчи ва назарийчи

мутахассиси Анвар Каримов тайинланди. Кафедра аъзолари замонамизнинг энг буюк кашфиётлари радио ва телевидение бўйича журналист кадрлар тайёрлашга ўта масъулият билан қарадилар. Ўқув жараёнига четдан шу соҳани билимдон мутахассислари жалб қилинди, радио ва кинолаборатория, кинозал ишга туширилди (бошлиғи Анвар Исломов). Кафедранинг жонкуяр аъзолари Ҳусниддин Шоумаров ва Рамзиддин, Абдусатторовлар ташаббуси билан радиоузел ташкил этилиб, талабалар ўз хабарларини эфирга бера бошладилар. Ҳар куни талабалар факультет фойеси пештоқига ўрнатилган радиокарнайлар остига тўпланиб, курсдошлари чиқишларини зўр қизиқиш билан тинглардилар. Бир муддат кафедра ўқув-телекўрсатувларини уюштиришга ҳам уриниб кўрди. Афсуски, моддий ва техник сабабларга кўра кейинги йилларда бу режани амалга ошириш тўхтаб қолди.

Кафедрага 1992 йилдан бошлаб проф Ҳ.И.Ақбаров раҳбарлик қилди. Айтиш керак, бугунги кунда кафедранинг 'ҳал қилиши лозим бўлган муаммолари, амалга оширадиган ишлари анчагина. Айниқса, телерадиожурналист кадрлар тайёрлаш ишини янада такомиллаштиришдек долзарб вазифалар турибди. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг - "Ўзбекистон телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари" ҳақидаги қарори айтиш муддао бўлди. Ана шу ҳужжатлар асосида кафедра ўз фаолиятини қайта кўриб чиқмоқда.

ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультети оммавий ахборот воситалари учун юқори малакали кадрлар етиштириш соҳасидагина эмас, ўзбек матбуоти фанини ривожлантириш соҳасида ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Факультетда журналистик тадқиқотларнинг уюштирилиши, бу тадқиқотлар йўналишининг белгиланишида кафедра мудирлари профессор Т.Ирназаров, доцентлар Т.Пидаев, И.Тошалиев, А.Каримовларнинг хизмати катта эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Улар раҳбарлигида ва амалий ёрдамида кўплаб фан номзодлари етишиб чиқди. Ҳар бир ўқитувчининг илмий иш режаси тайин этилди.

Агар 50-йиллар охирида журналистика кафедрасининг 6 аъзосидан иккитаси фан номзоди бўлган бўлса, 80-йилларга келиб факультетдаги 40 га яқин ўқитувчининг 5 таси (Т.Ирназаров, О.Тоғаев, О.Саидов, Ф.Нестеренко, С.Г.Исаев) фан доктори, 27 таси фан номзоди эди. Кейинги пайтда фан докторлари қаторига истеъдодли ёш олимлар Файзулла Мўминов (1992 й.), Назира Абдуазизова (1997 й.), Мухтор Худойқулов (1999 й.) ва Қудрат Ирназаровлар (2004) келиб қўшилди. Ҳозирги кунда докторлик диссертациялари устида муваффақият билан ишламоқдалар.

80-йиллардаги республикамиз бошига тушган фожиали воқеалар гирдобини университет раҳбарияти, унинг факультетлари, шу жумладан, журналистика факультетини ҳам четлаб ўтолмади. Маълум бир вақтда ҳукмрон мафкуранинг сиёсати оқибатида баъзи ғаламислар "ғимирлаб" қолганди. Журналистика факультетига 13 йил узлуксиз раҳбарлик қилган А. Шомақсудов 1985 йил июнь ойида "ўз аризасига" биноан декан лавозимидан озод қилинади. Бир йил мобайнида доцент Т.Пидаев факультет декани вазифасини бажариб турди.

1994 йилдан бошлаб журналистика факультетига кирувчилар учун зарурий шартлардан бири бўлган ижодий танлов ва суҳбат ўтказиш тартиби бекор қилиниб, талабаликка фақат имтиҳон топшириш жорий қилинди.

1995 йилга келиб университетда факультетларни йириклаштириш баҳонаси билан қардош факультетларни бир-бирига қўшиш тадбирлари қўрилади. Шу муносабат билан журналистика факультети яна бўлим сифатида ўзбек филологияси факультетига қўшиб юборилади.

Лекин бу қўшилиш узокқа чўзилмади. Ярим йилдан кейин журналистика факультети яна қайта тикланди. 1996 йилнинг охирларида факультет декани лавозимига доцент Омонулла Мадаев тайинланди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, журналист ходимлар тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолган эди. Айниқса, халқаро журналистлар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этди. Факультетда шу мақсадда 1993 йили янги - "Халқаро журналистика" кафедраси ташкил этилди. Кафедрара раҳбарлик қилган филология фанлари доктори, профессор Ф.А.Мўминов

республикадаги Олий ўқув юртларидан ҳамда ўзимизда таълим олаётган талабалар орасидан иқтидорли ёшларни танлаб олиб, уларга махсус режа билан таълим беришда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Проф. Файзулла Мўминов масъул ишга ўтиши муносабати билан 1997 йил апрел ойидан бошлаб кафедра мудири вазифасини доцент Қудрат Ирназаров бажариб бошлади.

Хорижий тилларни ўқитиш, ўргатиш ишларини яхшилаш ниятида факультетда 1997 йилда чет тиллар кафедраси (мудири доц. Ч.Анварова) ҳам ишлай бошлади.

Факультет кафедралари бу даврда талабалар билимини баҳолашда рейтинг тизимига ўтиш, олинган билимларни сессиясиз баҳолаш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Камолот ёшини нишонлаётган факультет ижодий жамоасининг куч ғайрати бугунги кунда мутахассис кадрлар тайёрлаш анъаналарини бойитиш ва уни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳақиқатан, журналистика факультети бугун энг баркамол, кучга тўлган навқирон ёшда яшамокда. Энг муҳими, эндиликда факультетни битириб чиқувчи мутахассислар мустақил Ўзбекистон учун хизмат қиладилар. Ўз эркини қўлга киритган мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг янги жамиятга мос ҳуқуқий пойдевори барпо этилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Қисқа муддат ичида давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ҳужжатлар қабул

қилинди: 1997 йил 24 апрелда "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида", 1997 йил 26 декабрда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа муҳим ҳужжатлар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, ўзбек матбуотининг эртанги қиёфасини белгиловчи ёш журналист-талабаларнинг ижодий камол топишлари учун барча шарт-шароит ва бениҳоя улкан имкониятларни яратиб беради.

Президент фармони билан муҳрланган қуйидаги икки муҳим тарихий воқеани ижобий ҳал бўлишида ҳам бири устоз, бири шогирд, икки собиқ талабамиз ҳиссаси борлигидан беҳад мағрурланамиз.

Биринчиси, Мустақил Ўзбекистоннинг янги мадҳияси учун эълон қилинган танловда ғолиб чиққан матн муаллифи Ўзбекистон халқ шоири, "Халқ Қаҳрамони", Олий Мажлис депутати Абдулла Орипов эди. Абдулла Орипов 1958-1963 йиллар мобайнида журналистика бўлимида таҳсил кўриб, "1930 йиллар Ўзбекистон вақтли матбуотида адабий жараён" деган мавзуда диплом иши ёзади ва уни "аъло" баҳога ҳимоя қилади. Абдулла Орипов диплом ишининг илмий раҳбари домла Тоҳир Пидаев эди.

Иккинчи тасодифни қарангки, кафедра мудири Т.Пидаев ҳамкасби Б.Дўсқораев билан биргаликда "Халқ сўзи" газетасининг 1993 йил 11 июнь сониди махсус мақола билан чиқиб, эрк, хуррият, истиқлол ғояларини олға сурган "Тараққий" газетасининг илк сони босмадан чиққан сана - 1906 йил 14 июн (янги ҳисоб билан 27 июн) ўзбек миллий матбуоти куни ҳисобланиши керак деган асосли таклифни киритади. Мана бир неча йилдирки, мустақил мамлакатимиз журналистлари Президентимизнинг фармонида мувофиқ 27 июнни - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида байрам қилмоқдалар. Олим юқоридагиларни ёзишида мамнунлиги сўзларидан маълум бўлиб туради.

Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, "Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар".

Президентимизнинг бу сўзлари бизга катта масъулият юклайди. Доимо янгиликлар кетидан елиб-югурувчи, халққа содиқ ва ҳамроҳ журналист кадрлар тайёрлаш ишини истиқлол талаблари даражасига кўтариш, уни янада чуқурлаштиришдек мураккаб вазифа турибди.

А.Шомақсудов факультет жамоатчилиги оммавий ахборот воситалари учун ходимлар тайёрлашнинг амалдаги тизимидан иккинчи бир янги - истиқлол давридаги тизимга ўтишдек мураккаб жараёни бошдан кечираётганлигини алоҳида таъкидлаганлар. 2005 йилда "Интернетжурналистика" кафедрасининг ташкил этилгани бу жараёни тезлаштириб юборганини аёнлашиб, юқоридаги фикрнинг далили сифатида кўзга ташланади. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, албатта,

айрим қийинчиликларни енгил ва баъзи муаммоларни ечилиш талаб қилмоқда. Амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлар, ўз ечимини қутаётган муаммолар факультет раҳбарининг шахсига, ҳаётини ташаббуси ва ғайратига ҳам боғлиқ. Буни илмий фаолиятининг деярли тўлиғича Журналистика факультетига бағишлаган ҳамда бир неча йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган олим ўзининг рисоласида ҳам таъкидлаб ўтганлар.

Бугунги матбуотимиз муаммоларига бағишланган мақолаларга тўхталар экан, улар орасида журналист Сафар Остоновнинг "Юрак ёнмаса кўз чакнамайди, сўз ҳам" сарлавҳали мақоласи ўзининг ҳажми, масаланинг қўйилиши, чуқур таҳлилий услуби билан алоҳида ажралиб туришини ёзади. Мақола "Халқ сўзи" газетасининг 1998 йил 24 ва 25 ноябрдаги сонидан эълон қилинган. Сафар Остоновнинг "тўртинчи ҳокимиятга нима етишмаётгани-ю, нима ҳалақит бераётгани ҳақида мулоҳазалари"нинг кўлами жуда кенг бўлганидан биз фақат унинг журналист кадрлар тайёрлашга оид фикрларини келтириш билан чекланади. "Бугун тайёрланаётган журналист кадрлар савияси давр талабидан орқада қолаётганига нима сабаб?" деб ёзаганини алоҳида эслайди.

2001 йил февраль ойидан журналистика факультетининг декани этиб тарих фанлари номзоди, доцент Қудрат Тўғонович Ирнараров тайинланди. Қ.Т. Ирнараров кадрлар масаласига жиддий эътибор берди. Тажрибали олимлар амалиётчи журналистлар дарс бериш учун жалб қилинди. А. Мелибоев, Ф. Рўзиев, Б. Алиханов, Т. Эшбеков, Ш. Қудратхўжаев ўзларининг кўп йиллик амалий тажрибалари сабоқдарини талабаларга бера бошладилар. Соҳа адабиётлари яратиш сезиларли даражада жонланди.

А.Шомақсудов ушбу рисолада янги аср бўсағасида ўз истикдолини кўлга қиритган мамлакатимиз ва унинг матбуоти тобора миллий шакл, миллий мазмун касб этиб ривож топаётганини мамнуният билан қайд этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Янги ХХІ аср ақл-идрок, маънавият ва тафаккур асри -соғлом мустақил фикр, соғлом ғоя, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган аср бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг аҳамияти яна ҳам ошади. Унинг вазифаси ва жамият олдиданги масъулияти кенгайди. Журналист

сўзининг салмоғи ошади. Шундай экан, матбуотимиз ўзининг иқтидорини, куч-қудратини, бутун салоҳиятини, тажрибаларини бойитиб бориши шубҳасиз".

Мамлакатимиз раҳбарининг бу юрак сўзлари ўзининг 95 йиллигини нишонлаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини ҳамда 64 ёшга тўлган журналистика факультети жамоасини янги ижодий ишларга чорлайди. Факультет профессор ва ўқитувчилари, лаборант ва ходимлари бундан буён ҳам мафкура жабҳасининг толмас курашчилари бўлмиш журналист мутахассислар тайёрлаш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади, куч-ғайрати ва маҳоратини аямай сарфлайверади. Бугунги давр факультетимиз етиштирган олимларни ҳамда улар қолдирган меъросни ўрганишни талаб этмоқда. Ушбу рисолада олим факультетимизнинг 50 йиллик тарихини ёритганлар. Бу даврдаги янгиликлар, муаммолар, ўзгаришларни акс эттиришга ҳаракат қилганлар.

ХУЛОСА

Тарих - халқ маънавиятининг асосидир! Зеро ўз тарихини билмаган инсон ўз олдига қўйган мақсадига эришишида кўплаб тўсиқларга дуч келади. Шунинг учун ҳам айрим давлатлар машҳур инсонларни ўзлаштиришга ёки ёлғон афсона ва ривоятлар тўқишга ҳаракат қилмоқдалар! Бизда бундай муаммо йўқ. Сабаби, бу ҳудудда ўқимишли, илмли, узоқни кўриб иш қиладиган, мард, жасур фарзандлар азалдан кўп учрайди. Зеро, кўплаб давлатлар бизга ҳавас билан қарайди. Биз ёшлардан талаб қилинадигани, ана ўшаларга нисбатан нисбатан ҳурмат кўрсатиш ва уларнинг ижоди намуналарини ўрганиш ҳамда кейинги авлодга етказишдир. Анвар Шомаксудов ижоди ва фаолиятини ўрганиш ёшларни маънавия озуқа билан бойитишдек юксак ишга муносиб ҳисса қўшади.

Минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама қаршилиқ ва тажавуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучларга нисбатан доим сезгир, огоҳ ва хушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақазо этмоқда. Мустақиллик-энг улуғ, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш саодат нишонасидир. Мустақиллик - халқимизучун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истёждод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан ҳам кадрлидир.

"Биз кўчманчи ва босқинчи Атиллаларга эмас, Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз!" деб баралла айтишларида ҳам жон бор! Ҳа биз ўшаларнинг авлодимиз! Биз босқинчилар ёзиб қолдирган тарихни эмас, ўзимиз ўқиб-изланиб ўрганган, шу билан биргаликда дунё халқлари вакиллари ҳолисона ёзиб қолдирган манбалари асосида ўз тарихимизни яратмоғимиз лозим! Зеро, юртбошимиз айтганларидек, ҳеч бир босқинчи ўзи босиб олган юрт вакилларининг маънавиятини оширишга хизмат қиладиган тарихни яратмайди! Иложи борича, рус генерали Скобелов сингари халқнинг маънавиятини

топташга ҳаракат қилади. Ана шуларни билган ҳолда, мутахассисларимиз ёш авлодимизга ўзининг аجدодлари ким эканлигини холисона, фактлар асосида ўргатиши лозим. Биз учун мавҳум бўлган кўплаб мавзуларни очиб беришлари лозим. Бунда ёш илм аҳли ўзларининг илмий йўлларида атоқли кадрларимизнинг ҳаёти ва илмий меъросини ўрганиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йилки бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий 'изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар тамонлама тадқиқотлар олиб борилади. Бу осон иш эмас. Шўро замонида тамоман ўзга, миллатимиз манфатларига зид бўлган, коммунистик, шовинистик мафкура ҳукмрон шароитда ёзилган адабиётлардан уни-буни кўчириб тайёрланадиган иш эмас бу.

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони, "Юксак хизматлари учун" медали соҳиби, уруш ва меҳнат фахрийси, Журналистика факультетининг собиқ декани Анвар Шотурсунович Шомақсудовнинг ҳаёти ва ижодини ўргандик.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим. Ушбу малакавий битирув иши ёзилиши орқали халқимиз халқимиз, илм аҳли, талабаларимизни факультетимиз етиштирган олимларнинг ҳаёт йўли, ижод намуналари билан таништиришдир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонуни // Тўртинчи ҳокимият. - Т.: Меҳнат, 2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисидаги Қонуни / Тўртинчи ҳокимият. -Т.: Меҳнат, 2003 .
4. Каримов И.А.Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон. 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга йнтилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ НМИУ, 1998.
9. Ирназаров Қ.Т ва бошқа муаллифлар. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. - Т.: УзМУ, 2002. 200 -б.
- Ю.Мелибоев А., Нестеренко Ф.П., Маматова Я. М., Корбкин Д. В., Ирназаров К. Т. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. - Тошкент.: ЎзМУ, 2002.
- 11 .Шомақсудов А. Дилдан тилга кўчган қиесалар. - Т.: Зарқалам. 2004.
- 12.Шомақсудов А. Оловли йиллар хотираси. - Т.: Зарқалам. 2005.
- 13.Шомақсудов А. Югурик умрда кўрган-кёчирганларим. - Т.: Зарқалам. 2007.
- Н.Шомақсудов А. Аср билан тенглашаётган умр. - Т.: Зарқалам. 2007.

